

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: info@uzas.uz 2014-yil 15-avgust • №33 (4276)

Ягонасан, муқаддас Ватаним,
севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

ОЛАМГА БЎЙЛАШГАН ОРЗУЛАР

Кун бўйи фурсат топиб ўқишга улгурилмаган матбуот нашрларини кечки пайт оила аъзоларим даврасида бир-бир варақлаб чиқаман. Газета-журналларимиз саҳифаларида мустақиллигимизнинг асрларга татигулик тарихи, унинг бунёдкорлик, янгиланишлар шукуҳида ўтаётган ҳар бир куни билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар тезкор ахборот хабарлари ва бадиий-публицистик мақолаларда аксини топган.

Ифтихор

Ана шу ранг-баранг мавзулар ичида мамлакатимиз спортчилари фаолиятига бағишланган хушхабарларни ҳам алоҳида иштиёқ билан кузатаман. Деярли ҳар куни бир спортчимиз ёки спорт жамоамиз эришган оламшумул муваффақиятлар ҳақидаги мақолаларни ўқиб, хурсандлигимдан ичимга сиғмай кетаман. Гапнинг индаллосини айтсам, истиқлол йилларида туғилиб вояга етаётган фарзандларим менинг ана шу ҳис-ҳаяжонимни сира тушунишмайди. Ахир, улар қаердан тушунишсин? Кейинги йилларда спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда ғалабага эришиши одатий ҳолга айланиб қолган бўлса! Шундай пайтларда мени ўтмиш хотиралари билан боғлиқ ўй-хаёллар чулғаб олади...

Саксонинчи йилларнинг ёзи эди. Москва. Муҳташам саройда олимпиадага тайёргарлик юзасидан матбуот анжумани ўтказилмоқда. Масъуллар, мутасаддилар қилинган ишлар борасида бирин-кетин ҳисобот бермоқда.

«Умуман, спортчиларимизнинг таркиби қандай? Бизда ҳамма спорт турлари бўйича қатнашадиган вакиллар борми?» — деб сўраб қолди иштирокчилардан бири.

Масъул амалдор: «Хавотирга ўрин йўқ, бу гал спортчиларимиз таркиби саралаб олинган, барча йўналишларда ғолибликка бемалол даъвогарлик қила оламиз, — деб саволга жавоб берар экан, учрашувга мутойиба тусини бермоқчи бўлдими, қўшиб қўйди: — Биласизми, ҳатто ўзбеклар ҳам олимпиадада қатнашишяпти...».

Давоми иккинчи саҳифада.



М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг «ijod.uz» сайти газетамиз меҳмони

Юртбошимиз “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” номли рисоласида бугунги адабий жараён, ёшларни бу жараёнда янада фаоллаштириш масалаларига тўхталаркан, шундай таъкидлайди: **“Тўғрисини айтадиган бўлсак, ёшлар бугун ахборот ва маълумотларни асосан Интернет орқали оляпти... Модомики, шундай экан, энди одамлар, ёшлар китоб ўқимай қўйди, деб фақат нолиб ўтирмасдан, ана шу таъсирчан замонавий ахборот воситалари орқали адабиётимизни кенг тарғиб этиш, хусусан, Интернет имкониятларидан фойдаланиб, етук бадиий асарларни ёшларга етказиш устида ҳам жиддий бош қотириш зарур, деб ўйлайман”.**

Кейинги йилларда миллий интернет тизимлари ва веб-сайтларининг жадал ривожланаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Хусусан, юртимиз аҳолисининг 10 миллиондан ортиғи интернетдан фойдаланиб келмоқда. Айни пайтда, миллий интернет тизимида (.uz) 18000дан ортиқ сайт рўйхатга олинган. Албатта, ана шу минглаб сайтлар орасида адабий-бадиий йўналишдаги сайтларнинг ҳам ўз ўрни бор. Ҳозирда адабиёт ихлосмандлари фойдаланиши мумкин бўлган ўнга яқин адабий-бадиий порталлар фаол ишлаб турибди. Шулар жумласидан, кейинги вақтда жадаллик билан ривожланиб бораётган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “ijod.uz” сайти алоҳида эътиборга молик. Зеро, сайт қисқа муддат ичида адабиёт ихлосмандлари, мутахассислар, талаба ва ўқувчиларнинг севимли адабий порталига айланиб улгурди.

Давоми тўртинчи саҳифада.

Навоийни ўрганиш

НОЗИК ТАМСИЛ

Ҳазрат Алишер Навоий ўз халқи ва бошқа халқларнинг урф-одатлари, маросим, анъаналарини чуқур билган. Адабиётшунос олим Н.Маллаев бу ҳақда шундай эътиборли фикрни баён қилган: “Алишер Навоий XV аср тарихи, халқнинг урф-одатлари, расм-русумлари ҳақида махсус асар ёзмаган. Бироқ унинг асарларида “сочилиб ётган” факт ва маълумотларни, таъриф ва тавсифни йиғиб системалаштирилса, жуда қимматли тарихий-этнографик манба ҳосил бўлади”. Ҳақиқатан ҳам, буларни ғазалларга сингдириш Навоий тажрибалари учун характерлидир.

Мана, бир мисол:

Қошин кўргач ҳасаддин истарам эл
кўзи боғланғай,
Нечукким, кўз тутарлар эл
янги ой ошкор ўлғач.

Истайманки, ёримнинг қошини кўрганда бошқаларнинг кўзи рашкимдан боғлансин, нечукки, янги ой кўринса, элда умид туғилади. Бу байтда шоир ошиқона бир фикрни янги чиққан ойга муносабат билан далиллаётир. Янги ой чиққан кеча қадим-қадимдан халқимизга қувонч бахш этган, янги ойнинг хосиятли бўлиши, янги умидлар ушалишига одамлар ишонишган.

Алишер Навоийнинг бошқа бир байтига назар ташлайлик:

Келурингга ясадим кўнглум уйин,
Ясалур кулба, чу меҳмон кирғач.

Келишингга кўнгил уйимни безаб ясантирдим, чунки меҳмон кирадиган уй шундай ораста этилади. Дарҳақиқат, дарахт борки, унга қуш қўнади, уй борки, албатта, меҳмон келади. Халқимизнинг улуғ фазилати ва одати меҳмонни алоҳида иззат-икром ила кутиб, меҳмондўстлик қилиш. Меҳмон келиши озодаликка, покизаликка ҳам сабаб бўлади, уй тартибга солинади. Тахмондаги оҳори тўкилмаган атласу бахмал якандозлар тўшалади, тутилмаган буюмлар тутилади. Хуллас, доно халқ ўзи айтганидек, “Меҳмон келган уйнинг чироғи ёнар”.

Йўқ ажаб, эй гул, кўнгул захми
аро новакларинг,
Расм эрур: чун рахна бўлғон
ерға қўймоқлиқ тикон.

Эй гул, ажабланма, кўнгил яралари аро тиконларинг бор, чунки ёриқ жойга тикан қўйиш расмдир. Маъшуқанинг қора кўзлари шунчалик шафқатсизки, ўткир, тиконли назари, қараши ошиқнинг тиғли, садпора юрагига қадалган. Шоир ошиқнинг ҳолатини тасвирлар экан, халқ орасида деворнинг ёриқ жойига турли ўткир “кўз” ва назарни кесиш, қайтариш учун тикон қўйиш одатини эслатади. Бу тамсил китобхонга, албатта, маъқул бўлади. Буюк шоир назаридан халқ ҳаётига хос оддий бир одат ҳам четда қолмаган.

Буробия РАЖАБОВА,
Тил ва адабиёт институти
катта илмий ходими

ВОДИЙ ДУРДОНАСИ

Юртимиз довруғини оламга таратган улуғ алломалардан бири Муҳаммад ал-Марғиноний “Назм ал-жамъи ал-кабир” асарида “Агар Фарғона водийси Турон ўлкасида тоғлар орасидан униб чиққан, барқ уриб очилиб, қизил яноқларини офтобга тутган лолага ўхшаса, Марғилон шаҳри лоланинг ёноғига қўнган бир томчи шабнам, яъни водийнинг марваридига монанд”, деб ёзади.


Бу қиёснинг Марғилонга нисбат берилиши бежиз эмас. Шаҳар ўзининг олис ўтмиши, тарихи, мафтункор ва яшилликка бурканган қиёфаси, миллий қадриятларимизни асраб келаётган тараққиёти билан шу баҳога муносиб эканлигини исботлади.

Эл обод — дил обод

Фарғона водийсининг тарихи қадимий Косон, Қува, Ахсикент, Эйлатон, Қайрағоч, Куйиктепа, Далварзинтепа, Қорадарё шаҳарлари, Симтепа, Арктепа, Миқтиқўрғон каби масканлар харобалари тимсолида намоён бўлади. Бугунги Марғилон бағрида кўҳна обидаларни, архитектура ёдгорликларини учратиш қийин. Лекин археологларнинг XX асрнинг охирги беш-олти йили ичида бу ерда олиб борган қазишма ишлари натижасида Марғилон остидан 20-25 гектарга тенг қадимий шаҳар ва ҳукмдорларнинг саройи харобалари излари топилди. Шаҳарнинг яна бир қисмидан эса зардуштийларнинг ибодатхонаси ва доимо олов ёниб турган олов хоналар, меҳроблар қолдиқлари аниқланди. Бу ердаги 30 дан ошиқ археологик ёдгорликлар туфайли ҳунармандлар маҳалласи ўрни белгиланиб, улардан топилган тош, бронза, мис ва темирдан ясалган буюмлар, сопол идишлар, қизил ангоб бериб ишланган хум ва кўзалар, ҳар хил ҳайкалчалар ўрганиб чиқилди. Ва улар эрамиздан олдинги II ва милодий I асрларга оидлиги тасдиқланди. Зеро, 3-4 минг йиллик қадимиятга доир икки бошли илон акси туширилган тош тумор, сакларнинг бронзадан ясалган қозони, қадимий лашкарларнинг тасвирлари топилган водий заминидан Марғилон билан боғлиқ бу ноёб осори-атиқаларнинг қазиб олиниши табиий эди.

Марғилон сўзининг келиб чиқиши ҳақида ҳар хил ривоятлар, маълумотлар мавжуд. У битикларда Марғилон, Марғинон, Мурғинон шаклларида ёзилади.

Давоми иккинчи саҳифада.



“ЭЛДА ҚАДР ТОПГАНЛАР...”

Кўргазмалар залларида

Икуо Хираяма халқаро маданият карвонсаройида Назира Боймуродованинг мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишланган “Элда қадр топганлар...” номли шахсий фотокўргазмаси очилди. Намойишга ижодкорнинг олтмишдан ортиқ ишлари қўйилган бўлиб, уларда эл-юрт ҳурматини қозонган турли соҳа вакилларининг сиймолари акс этган.

— Ёш авлод қалбига Ватанни севиш, ардоқлаш, унинг равнақи учун ҳисса қўшиш каби фазилатларни сингдиришда эл севган ва таниган инсонларнинг ўрни катта, — дейди Н.Боймуродова. — Айниқса, ижодкор портретини яратиш катта маъсулиятни талаб этади. Рассом қаҳрамонининг ташқи сийрати билан бирга унинг ботиний оламини, ижодий қарашларини ҳам ифодалай билиши лозим. Шундагина у яратган портретлар томошабинларни мулоҳаза юритишга чорлаши мумкин.

Кўргазманинг ўзига хослиги шундаки, муаллиф ҳар бир суратга ном бериш билан бирга ўз ижодидан тасвирдаги образга мос шеърлар танлаган. Улар орасида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, таниқли санъаткорлар Ҳайдарали Қосимов, Муҳаммадсоли Юсупов, Ҳилол Насимов, Раъно Шодиева ва бошқаларнинг фотосуратлари томошабинларни бефарқ қолдирмайди.

Дилафруз САУТОВА

ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остида амалий-кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Ушбу тадбир мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан истироҳат боғлари ва хиёбонларда халқ сайллари, концерт дастурлари ҳамда бошқа маданий-маърифий ва спорт тадбирларини юқори даражада ташкил этишдаги намунали тажрибаларни оммалаштиришга қаратилган.

Семинар доирасида ташкил этилган байрам дастурида Ўзбекистон халқ артисти Замира Суюнова, хонандалар Абдуллажон Раҳимжонов, Бахтиёр Раҳмонов ҳамда ёш спортчилар ўзбек жанг санъати бўйича чиқишлари билан иштирок этишди. Эътиборли жиҳати, дастурда юртимизнинг турли вилоят ва туманларидан ташриф буюрган “Чавки”, “Тўрғай”, “Қувонч”, “Ёдгор”, “Бодом гуллари” сингари фольклор-этнографик халқ ансамблари қатнашди. Шунингдек, тадбиркорлар ва касаначиларнинг ҳунармандчилик ишлари намойиши, “Баркамол авлод” республика болалар техник-ижодиёти маркази туман бўлимларининг ранг-баранг кўргазмалари, “Китоб савдоси” ва “Қўғирчоқлар дунёси” кўргазма-савдолари йиғилганларни бефарқ қолдирмади.

Азиз МАТЁҚУБОВ

ОЛАМГА БЎЙЛАШГАН ОРЗУЛАР

Бошланиши биринчи саҳифада.

Залда «гурр» кулгу кўтарилди. Қойил қилдимми, дегандек, амалдорнинг ўзи ҳам яйраб илжайди.

Кўпни кўрган, кекса бир журналистдан ушбу воқеани эшитганимда кўнглимда изтироб уйғонди. Шу баробарида хаёлимда ҳақли бир савол чақмоқдай чақнаб ўтди: «Ким эдигу ким бўлдик!». Ҳа, яқин ўтмишда, мустабид тузум даврида биз хўрланган, ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган, миллий қадр-қиммати топталган бир халқ эдик. Муҳтарам Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида ўша даврлар ҳақида алоҳида таъкидлаб айтилган:

«Узоққа бормасдан, халқимиз ўз бошидан кечирган мустамлака даврини бир кўз олдимизга келтирайлик. Қарийб 150 йил давом этган, тарихимизнинг том маънодаги қора кунлари бўлмиш ўша замонда бир пайтлар ўзининг қудратли давлатчилиги, буюк фарзандлари, юксак илму маданияти, обод шаҳар ва қишлоқлари билан дунёни ҳайратда қолдирган эл-юртимиз қандай оғир машаққатларга дучор бўлганини яхши биламиз.

Лекин ана шундай дахшатли даврда ҳам ҳар қандай зулм ва истибдодга қарамасдан, халқимиз ўзлигини йўқотмади. Тилини ва динини, иймон-эътиқодини сақлаб қолди...».

Ҳа, бизларни истиқлолгина иснод ва бадномликдан халос этди. Озодликнинг ёруғ тонгларида ҳақ-ҳуқуқимизни, қадр-қимматимизни қайта тикладик. Бугун мустақил Ўзбекистон дунёга танилди! Унинг бой тарихи, шонли бугуни тилларда достон бўлиб турибди. Бу ўз-ўзидан бўлиб қолмади, албатта. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ халқ манфаати, Ватан тараққиёти бош мақсадимизга айланди ва бу борада давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳбарлиги остида порлоқ келажак кўзланган, пойдевори пишиқ-пухта режалар, дастурлар ишлаб чиқилди.



Хусусан, миллатни, айниқса, ёш авлодни соғломлаштиришга, уни баркамол қилиб вояга етказишга қаратилган лойиҳалар, фармон ва қарорлар фикримизнинг яққол далилидир. Ана шундай оқилона саъй-ҳаракатлар туфайли халқимизнинг фаровон ва муносиб ҳаёт кечириши учун ғамхўрлик, эъзоз-эътибор ҳар томонлама кучайтирилди, таълим-тарбия тизими буткул янгиланди, спортга, айниқса, болалар спортига алоҳида эътибор қаратилди.

Биз қисқа давр ичида спорт соҳасида ҳам улкан муваффақиятларни қўлга киритдик. Ўзбекистон футбол терма жамоаси Осиё ўйинлари чемпиони бўлганида, спортнинг самбо тури бўйича Зокир Шарипов, Акобир Қурбоновлар жаҳон чемпионатининг ғолиблик шоҳсупасига кўтарилганларида ёхуд тошкентлик қизимиз Лена Черязева Норвегиянинг Лиллехаммер шаҳрида ўтган қишки олимпиадада фристайл бўйича олтин медал билан тақдирланганида мамлакатимиз мустақилликнинг дастлабки, машаққатли йилларини босиб ўтаётган эди.

Мен мамлакатимиз спортчиларининг ўша илк ғалабаларини халқимиз қай алфозда, таъбир жоиз бўлса, “лабда табассуму кўзда ёш” билан кутиб олганининг гувоҳи бўлганман. Халқаро мусобақаларда қатнашиш уёқда турсин, ҳатто спорт билан яхшироқ шуғулланиш учун ҳам шарт-шароити бўлмаган юрт фарзандларининг бу ютуқлари чинакам қаҳрамонлик эди. Улар Озодлик, Эркинлик берган ғурур-ифтихорни биринчилардан бўлиб юрак-юракдан туйган ва қадрини ҳис қилган эдилар.

Орадан кўп ўтмай юртимиз спотчиларининг зафарли юришлари бошланди. Спортчиларимизнинг дунё ареналарида қучган ғалабалари тарих зарварақларидан жой олди. Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ҳақида бугун ким билмайди, дейсиз? У ҳам мустақилликнинг соф ҳавосидан тўйиб ўсган навқирон авлод вакилидир.

Биз истиқлол йилларида нафақат спортни ривожлантирдик, балки миллий спортимиз, курашни дунё халқларига танитдик, уни халқаро спорт турларидан бирига айлантирдик. Бугун «ҳалол», «чала», «ёнбош» каби соф ўзбекона сўзлар дунё ареналарида ўзига хос тарзда жаранглаб турибди. Ўзбек кураши довруғини оламга ёйишда полвонларимизнинг хизмати беқиёсдир. Уларнинг номлари ҳар гал тилга кўчганда элимизнинг шундай ўғлонлари борлигидан фахрланамиз.

Кўп узоққа бормай, оғир атлетика бўйича Полшада ўтказилган жаҳон чемпионатини эсга олайлик. Ахир унда ҳамюртимиз Руслан Нуриддинов ғолиблик шоҳсупасининг энг юқорисидан жой олди! Дзюдочимиз Яҳё Имомов ҳақида ҳам ғурур билан гапиришимиз мумкин. У Францияда ўтган «Катта дубулға» туркумидаги халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллади.

Энг қувонарли жиҳати шундаки, бугун жажжи ўғил-қизларимиз ҳам катта спортчилар ортидан мардона қадам ташлаб боришмоқда. Жумладан, олти ёшли шахматчимиз Исломбек Синдоров Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида учта олтин медални қўлга киритди! Нафиса Мўминова ўзбек қизлари ўртасида биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлди.

Дарвоқе, яқиндагина Бразилия яшил майдонларида кечган футбол бўйича жаҳон чемпионати ҳам кўксимизни тоғдай кўтарди. Унда муваффақият билан қатнашган ўзбекистонлик ёш ҳакам Равшан Эрматов икки мундиалда тўққизта ўйинни бошқариб ўзига хос жаҳон рекордини ўрнатди. Бу барчамиз учун улкан шарафдир! Буларнинг барчаси “Ким эдигу ким бўлдик!”, деган ҳақли саволнинг ҳақли жавобидир.

Зафарлар, ютуқлар, албатта, ҳузурбахш, лаззатли. Аммо фақат муваффақиятларга маҳлиё бўлиб, олдинда турган янада долзарб масалаларни ҳал этишда сусткашлик қилишга асло ҳаққимиз йўқ. Давр ва замон бизни янада теранроқ фикрлашга, бунёдкорлик ишларини янада дадилроқ, кўламлироқ давом эттиришга, ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлишга ундаб турибди. Зеро, бизнинг йўлимиз — халқимиз танлаган йўл фахр ва ғурур, буюк мақсадларимиз ва порлоқ истиқбол йўлидир! Шу юртнинг ҳар бир фарзанди шу улуғ йўлга муносиб ворис бўлиб вояга етмоғи биз учун улуғ шарафдир.

Сирожиддин РАУФ

БЕПАРВО БЎЛМАЙЛИК

Юртимиз фуқаролари ҳамда давлат мулкини асраб-авайлаш, турли тажовузлар ва офатлардан ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Айниқса, олов — “тилсиз ёв”нинг вайронкор кучи ҳалигача тўла жиловланган эмас. Айни ёнғинлар сабабли ҳар йили дунё бўйлаб минглаб одамлар бошпанасиз қолади, кўплар саломатлигидан айрилади, ҳаётдан бевақт кўз юмади. Ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилотлар биноларида содир бўладиган ёнғинлар эса кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар етказиб, шу орқали иқтисодиётга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ана шундай кўнгилсизликларга йўл қўймаслик учун ҳар биримиз ёнғинга қарши ва унинг олдини олиш учун фаол кураш олиб боришимиз зарур. Хусусан, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари оловни жиловлаш юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Улар фуқароларимизга ёнғинларнинг келиб чиқишида кишиларнинг бепарволиги асосий сабаб бўлаётганини, лоқайдлик сабаб уй-жойлар куйиб кулга айланаётганини мисоллар ёрдамида тушунтириб бермоқдалар.

Ёш болаларни қаровсиз қолдириш ҳам аҳоли турар жойларида ёнғинга олиб келувчи сабаблардан бири ҳисобланади. Бола, барибир, бола-да, қаровсиз қолдирилса, ўзича гугурт ўйнаши, электр асбобларини ишлатиб кўриши мумкин. Табиийки, ёш бола ўз ишининг оқибатини тўла тасаввур қилолмайди.

Шу сабабли, ота-оналар фарзандларини оловдан эҳтиётлаш билан бирга, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ҳам ўргатиб боришса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Х.НОСИРОВ,
Ёнғин хавфсизлиги кичик инспектори

Бошланиши биринчи саҳифада.

“Тарихи Фарғона” ва “Шайбонийнома” асарлари муаллифлари Марғилон шаҳри номи мурғ ва нондан олинган, яъни ҳукмдор ҳузурига товуқ ва нон кўтариб чиққан одамларнинг илтифотига биноан Мурғинон деб атала бошлаган, деган афсонани келтирадилар. Этнограф олимлар Марғилон сўзи “марғ” — майсазор, ўтлоқ, яйлов жой маъносини англатади, деб изоҳлайдилар. Муаррих Ибрат тарихий асарида “Фарғона водийси ҳудудларида 2000 йиллар муқаддам мурғлар яшаганлар. Улар шаҳарлар барпо этганлар”, деб ёзади. Агар шундай бўлса, Марғилон Муғиноннинг ўзгарган шакли эмасмикан? Сўз таркибидаги “ғино” бойлиқ, мулкдорлик, “ино” эса кўза, хумлар мазмунини англатган. Демак, бундан Марғилон муғ халқининг бой ҳунармандлари яшаган макон маъносини англатади, дейиш мумкин. Хуллас, шаҳар қандай номланмасин, қандай мазмунни билдирмасин, бир нарса — унинг 20 асрдан ошиқ тарихга эгалиги шубҳасиз.

Марғилон шаҳри билан боғлиқ араб тилидаги илк ёзма маълумотлар IX — X асрларда яшаб ўтган тарихчи олимлар Мақдисий, Истаҳрий асарларида учрайди. Мақдисий “Иқлимларни ўрганиш учун энг яхши қўлланма” асарида Фарғонада X асрда 40 та шаҳар ва 70 дан ошиқ қишлоқ борлигини кўрсатиб ўтади. У бу шаҳарларни 3 тоифага — Мирғўрўдий, Несия, Вағзи туркумларига ажратади. Несия шаҳарлари орасида Қубо, Варанг, Ўш, Марғинон, Риштон, Банкат, Кент шаҳарларини келтириб ўтади. Истаҳрий эса Марғилонни Мовароуннаҳрнинг ҳунармандчилик тараққий қилган гўзал ва катта шаҳри сифатида эътироф этади. XI — XII асрларда Марғилон ҳар жиҳатдан юксалган. Айниқса, Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида шаҳарнинг ўз ҳукмдорлари пайдо бўлган ва улар мустақил равишда тангалар қилдирганлар. Шаҳар ниҳоятда кенгайган. Унинг атрофига қурилган илк мудофаа девори ўрнига ўн иккита дарвозалик янги мудофаа девори тикланган. Шаҳарда Арк, Шаҳристон, работлар қад ростлаган. Муаррихлар бу даврни Марғилоннинг шаҳарсозликда гуллаб-яшнаган даври сифатида тилга оладилар.

Марғилон тарихда ҳунармандлар шаҳри сифатида ҳам донг таратган. Хитойликлардан ипак етиштиришни ўзлаштириш ва уни дунёга ёйиш ҳам ана шу шаҳар тарихи билан боғлиқ. Музейларда сақланаётган қорайиб кетган ипак мато парчалари ҳам, урчуқлар қолдиқлари ҳам олис ўтмишдан гувоҳлик беради. Бу ерда тайёрланган ипак матолар дунё бозорларида ниҳоятда эъзозланган. Аллома Шамсиддин Табризий “Марғилоннинг бир қўйлаклик шойиси Исфахоннинг бир йиллик даромадига тенг”, деб ёзган эди. Дарвоқе, тўқимачилик ва ипак тўқиш саноати, дастгоҳлар ҳам илк бор шу шаҳарда пайдо бўлди. Бу ерда ҳунарнинг бирор тури йўққи марғилонликлар шуғулланмаган бўлсин. IX асрда Марғилонга келган Хитой тарихчиси Чжан Хиу шаҳарда ҳунармандчиликнинг 60 дан ортиқ тури мавжудлиги хусусида маълумот беради. Дегрез, жибачи, бахмалбоф, бужгун, заргар, тубриз, чакассоз, тикувчи, читгар, найчасоз, кандакор, кулол каби бир қанча ҳунар турлари бу ерлик аҳолининг асосий иш фаолиятига айланган. XV асрда шаҳарда ҳунармандчиликнинг янги турлари ҳам пайдо бўлди. Бугун марғилонликлар орасида “чор ҳунар” деган атама мавжуд. Бунинг маъноси шаҳардаги ҳар бир ҳунарманд камида тўртта ҳунарни эгаллаши зарур. Ҳунармандниг етуклик даражаси бир жиҳатдан ана шу билан ҳам ўлчанади. Аждодлардан авлодларга мерос бўлиб келаётган ноёб ашёлар ёки бугунги авлод яратаётган гўзал буюмларга назар ташласангиз буларнинг ҳаммасида марғилонликларнинг юксак қадриятлари, ҳунармандчиликка алоҳида эҳтиромлари намоён бўлади.

Марғилон тарихий обидалар, ёдгорликлар, меъморий иншоотларга бой шаҳар. XX аср бошларидаги архив маълумотларида шаҳарда XVIII — XX аср оралиғида бунёд этилган 50 дан ошиқ мадраса, 250 дан ортиқ масжид, кўплаб миноралар, хонақолар ва 20 дан зиёд меъморий иншоотлар бўлганлиги қайд қилинган. XIX асрда фотосуратларга муҳрланган Исмоил Махсум, Маткаримбек, Ёр оталиқ, Қози калон, Искандар пошша, Саид Аҳмад хожи, Шоҳ Мансур номлари билан аталган обидалар ана шу тарихий ёдгорликларнинг бир қисми ҳисобланади. Мамлакатимиз истиқлолга эришгандан кейин юртимизнинг бошқа шаҳарларида бўлгани каби Марғилонда ҳам тарихий обидаларни, ёдгорликларни ўз асл ҳолида, тарихий кўринишига монанд тарзда қайта тиклашга киришилди. Хожа Парсо, Ҳазрат бобо, Хожа Маоз, Улуғ мозор каби масжидлар, зиёратгоҳлар қайтадан қад ростлади. Улуғ аллома Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги халқаро миқёсда нишонланиши муносабати билан шаҳарнинг кунчиқар уфқида улуғ аллома хотираси учун катта майдон барпо этилди. Гулларга кўмилган, фавворалар сув таратиб, атрофга гўзаллик бағишлаб турадиган майдоннинг марказида алломани дунёга машҳур қилган “Ал-ҳидоя” асари учун муҳташам ёдгорлик ўрнатилди. Юксак гумбазли, ислимий нақшлар билан безатилган баланд устунли, айвонли бу ёдгорлик шаҳарнинг ҳам тарихий, ҳам замонавий қиёфасига монанд тарзда яратилди. Туну кун одамларнинг қадами узилмайдиган бу маскан Марғилоннинг тимсолига айланди.

Яна бир маскан энг қадимий иншоотлардан бири, Марғинонийнинг қадами теккан чиллахонаси ҳам Юртбошимиз ташаббуси билан тарихий асосда муҳташам ҳолда қайта тикланди. Унга ёндош бўлган Пири Сиддиқ ҳамда Каптархона деб аталган хонақо, мақбара ва масжиддан иборат ёдгорлик мажмуалари тўла қайта қурилди. Мажмуалар бағрида шарқона меъморий усулда безатилган айвонлар барпо этилди. Буларнинг бари кўркам, обод хиёбонга бирлаштирилди. Натижада шаҳар марказида унинг тарихини асл кўринишда намоён этувчи ёдгорликлар мажмуаси юзага келди. Шаҳарнинг бошқа қисмидаги яна бир тарихий обида — Саид Аҳмад хожи мадрасаси ҳам асл меъморий тарихига кўра қайта бунёд этилди. Бу ер Марғилоннинг миллий ҳунармандчилик марказига айланди. Бундан ташқари шаҳарда улуғ шоира Жаҳон отин Увайсий уй-музейи ҳам барпо этилди.



Марғилонда замонавий шаҳарсозлик лойиҳаси асосида кўплаб янги иншоотлар барпо қилинди. Айниқса, шаҳар марказида меъморий тарҳ асосида яратилган янги деҳқон бозори, ғарбий қисмидаги кенг кўчалар, хиёбонлар, кўкаламзор масканлар, обод турар жойлар, муҳаташам ўқув юртлари бугун кўҳна шаҳарнинг кўркига кўрк қўшиб турибди. Ўтган йили қурилган санъат мактабининг муҳташам биноси ҳақиқий санъат кошонасига айланди. Болалар учун қурилган аквапаркда эса ёш авлоднинг бугунги кундаги талаб ва эҳтиёжларини қондириш учун барча шароитлар ҳисобга олинган. Ўйин майдонлари, сув ҳавзалари болаларнинг севимли масканига айланган. Булардан ташқари Ёшлар хиёбони, Ёпиқ сув саройи, Амфитеатр, болалар ижодиёти маркази, Тиббиёт коллежи, мактаблар қурилиб, уларни бунёд этиш учун 30 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Айни пайтда шаҳардаги Маъмуржон Узоқов номидаги истироҳат боғида қайта қуриш ишлари давом этмоқда. Кўп қаватли қилиб қурилган янги бинолар келгусида ёш оилалар учун тураржой масканига айланиши шубҳасиз. Марғилон шаҳри кўчалари бўйлаб юрсангиз ҳар бир қадамда ана шундай бунёдкорлик, яратувчиликка дуч келасиз. Ҳа, улуғ алломамиз Муҳаммад ал-Марғиноний Марғилонга берган таърифида ҳақ. Бугун ўз бағрида ҳам ноёб тарихий ёдгорликларни, ҳам замонавий шаҳарсозликнинг гўзал намуналарини жамулжам этган бу шаҳар бунёдкорлик борасида нафақат Фарғона водийсининг, мамлакатимизнинг ҳам марваридига айланмоқда.

Камол МАТЁҚУБОВ

ЯНГИ МАДАНИЯТ МАСКАНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан қишлоқ маданият уйлари ва клублар негизида тўққиз юзга яқин замонавий маданият ва дам олиш марказлари барпо этилиши кўзда тутилган. Уларнинг ҳар бири миллий меъморчиликнинг юксак андозалари асосида қад кўтариб, бир неча минг аҳолининг юқори даражада маданий ҳордиқ чиқариши, санъат ва спорт билан шуғулланишига, маънавий камолотига хизмат қилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Кегайли, Беруний, Хоразм вилоятининг Боғот, Шовот, Хива туманларида ана шундай замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказлари очилди. Маданият ва спорт ишлари вазири М.Хожиматовнинг қайд этишича, мазкур маданият ва аҳоли дам олиш марказлари яқин келажакда 10 мингдан ортиқ ашула ва рақс, фолъклор-этнографик, эстрада дасталари, бадиий ҳаваскорлик, дорбозлик жамоалари, халқ ва қўғирчоқ театрлари, санъат ва мусиқа тўгаракларини бирлаштиради. Бу янги тизим мамлакат миқёсида жами 15-18 миллион аҳолини қамраб олган ҳолда 500 минг кишининг доимий равишда маданий ҳордиқ чиқаришига имкон яратади. Айни чоғда мазкур марказларда минглаб янги иш ўринлари яратилади. Бу йил янгидан иш бошлаган 15 та маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг ҳар бирида ўндан ортиқ йўналишда 172 тўгарак, бадиий жамоалар, санъат студиялари фаолият бошлади. Бу марказларни тўлиқ таъмирлаш ва жиҳозлашга 7,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Ҳозир Қорақалпоғистонда олтмишга яқин маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фаолият кўрсатмоқда.

— Кегайлида маданият ва аҳоли дам олиш марказининг тантанали очилиши биз учун чинакам байрамга айланди, — дейди меҳнат фахрийси Жарасиқбой Сержонов. — Бу воқеа мен учун қандай аҳамиятга эга эканини сўз билан таърифлай олмайман. Кўп йиллардан буён бадиий ижод билан шуғулланиб келаман. Туман халқ театрида бир неча пиесаларим саҳналаштирилган. Яқинда янги драма ёздим. Энди унинг премьераси янгиланган, ҳар томонлама замонавий бинода ўтказилади. Биргина маданият ва аҳоли дам олиш маркази халқ театри, дуторчилар, хореография, “Жайҳун” вокал-инструментал, “Жилва” ашула ва рақс дасталари, бичиш-тикиш, орасталик тўгараклари ишини ўзида марказлаштирган.

Беруний туманида Махтумқули номидаги маданият ва аҳоли дам олиш марказининг тантанали очилишида ўзбек, қорақалпоқ, туркман ва бошқа миллат вакиллари ҳамжиҳатликда яшаётган қишлоқнинг ёшу қариси, жамоат ташкилотлари вакиллари, санъат намояндалари, “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари иштирок этдилар.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ

ШОШАМИЗ, ШОШИЛАМИЗ...

Она қишлоғимнинг кўҳна тоғ ён-бағирларига борганимда болаликдаги рангин хотиралар оламида беихтиёр сайр этаман. Катта бобом тоғларга қараб “Ассалому алайкум, Бобо тоғ!” деганида тоғларнинг акс-садоси гўё алик олгандек эди. Қишлоқдаги ҳамма-ҳамма салом бериш, алик олиш бобида худди бобом ва Бобо тоғга ўхшарди. Салом берилдими, албатта, алик олиниши ёки таниган-танимаганга бу калом айтилиши лозим. Акси бўлгудек бўлса, ҳамма тааж-жубда қолиши турган гап. Асрий анъаналаримиз шу тарзда қадр топиб боради, шундай эмасми? Бугун негадир кўча-кўйда нотаниш кишиларга салом берсак, “Танишиммас-ку” дегандай ҳайратланиб алик олмайди. Умуман, бугун салом беришдан кўра алик олиш камайиб кетяпти, назаримда.

Луқма

Бизнинг она тилимизда “Ассалому алайкум”нинг маъноси саломатлик, тинчлик, омонлик тилаш эканлигини барча билади. Бошқа халқларда, масалан, тибетликлар кўришаётганда тилини кўрсатишади. Бунинг маъноси эса “Сизга заҳмат етказмайман. Менда бунинг учун тилимдан бошқа ҳеч қандай қуролим йўқ”, дегани экан. Малайзияда бўлса “Қаёққа кетяпсан” деб саломлашишади. Алик олаётган одам одатга кўра “сайрга” деб жавоб бериши лозим. Саломнинг маъноси фаранглар, италянлар, испанларда “қут-барака тилайман”, “об-ҳаво яхши” каби яна кўплаб маъноларни ифодаларкан. Балки менга шундай туюлар, назаримда, инсониятнинг шундай гўзал одатлари сониямасония йўқолиб бораётгандек.


Бу нафақат салом-аликда, балки бошқа муносабатларда ҳам аён бўлади баъзан. Автобусдами, йўлдами, пиёдами ёки уловдами, қаерда қачон бўлмасин, ҳамма нимагадир ҳовлиққан. Ишга шошиб келамиз, уловга шошилиб чиқамиз, тушгач яна тез-тез нималардир қилишга улгургимиз келади. Четдан қараганда вақтнинг қадрига етаётгандирмиз, аммо ўзаро муносабатларнинг қадричи? Бундай ҳисоблаб кўрсак, ҳар қадамда шошар эканмиз. Бироқ... Соатлаб танишлар билан телефон орқали суҳбат қилишга, мобил ўйинлари ва интернетнинг “холис” хизматларидан фойдаланишга яхшигина вақт топа оламиз. Билмадим, балки менга шундай туюлар: кўп яхши нарсаларни эътиборсизлик билан унутиб қўймаяпмизми? Уйдан чиқаётганимизда, балки онахон қўшнимиз пастга тушишга қийналаётгандир. Кўрмай ўтиб кетамиз. Уловга чиқаётганимизда балки кекса ёшли отахоннни туртиб юборгандирмиз, худди жой етмайдигандай. Энг ёмони, “шошиб турибман”, “тезроқ бўлсангиз-чи” деган сўзларни ишлатаётгандекмиз...

Халқимиз бежиз танганинг иккинчи томониям бўлади, демайди. Бизнингча, танганинг учинчи томонини ҳам кўра билишимиз керакка ўхшайди. Балки, ўшанда “Ассалому алайкум”, “Ваалайкум ассалом” дейишни бемалол, шошилмасдан, ҳеч хижолат бўлмасдан ва оғринмасдан ўрганамиз...

Ирода МУҲИДДИНОҒА,
талаба

Абдумажид АЗИМ

ФАҚАТ ҲАВАС ҚИЛИНГ



УЛУҒ ВАТАН

Эй, улуғ Ватаним, қутлуғ масканим,
Киндик қоним тўкилган тупроқ.
Каъбам дейми сени, кўнгил мазҳаним,
Таърифинг тарихдай узундан узоқ.

Эй, улуғ Ватаним, безавол қўрғон,
Не азиз зотларга сен бўлдинг она.
Бағрингда кўз очдик, баҳам тузу нон,
Ўзбекистон юртим — танҳо, ягона.

Ниятимиз эзгу, орзу-ҳавас мўл,
Юракда ёшликнинг шиддат-шукуҳи.
Истиқлол меъмори бошлар улуғ йўл,
Қўлласин доимо аждодлар руҳи.

Она Ўзбекистон, мадҳинг минг достон,
Бағрингда ўсибман мисли бир ниҳол.
Эй, буюк саждагоҳ, эй, азиз макон,
Олам тургунча тур, ҳеч тополма завол.

Фарзандларинг деҳқон, чўпон, миришкор,
Шоним дейми сени, қутлуғ айвоним.
Меҳру оқибатинг мудом барқарор,
Бошимиз силайсан сен, Онажоним.

Бу рубъи маскунда тутмишлар маскан,
Саҳрою музларни қанча эл-элат.
Сенга кўзи тушиб қолса даъфатан,
Чиндан ҳавас қилса жаннат не ажаб.

Меҳрингга тан берар дунё меҳвари,
Болам, деб яшаган куйинчак жонсан.
Оламнинг бағри кенг қадим кишвари,
Жаҳонда тенги йўқ Ўзбекистонсан.

ЭЛИМ

Жоним элим, йўлдошларим, қурдошларим,
Давраларга кўз ташлаган қўрдошларим,
Ака-укам, опа-сингилим, қардошларим,
Ўзбек элим — қадрдоним, юртдошларим.

Гоҳ мусаффо осмонингни тўсиб булут,
Кунлар бўлди, фиғонингдан чиқди-ку дуд.
Элим, бу кун уқубатлар бўлиб унут,
Дастурхонинг тўлдирмоқда барака-қут.

Ўрганишар ўзбегимнинг урфу-тилин,
Кўп элларнинг олимлару тилчилари.
Юртим кўриб, майли, фақат ҳавас қилинг,
Уммон ошиб келган меҳмон элчиларим.

Жоним элим, қутлуғ бўлсин янги уйлар,
Обод юртга ярашади қўшиқ, куйлар.
Кўнгилларда пок тилаклар, оппоқ ўйлар,
Бир-бирига уланади байрам, тўйлар.

Тенгу-тўшим ҳамда дўсту-сирдош элим,
Шижоатда Фарҳод билан қондош, элим.
Қалбингизда чарақлайди қуёш, элим,
Ҳар бирингиз бир узанги йўлдош, элим.

Ота-бобом изи қолган ўр-қирларим,
Сизни қучсам, тўлиб кетар бағирларим,
Кўкраклари ер кўрмаган алп зўрларим,
Омон бўлинг, оға-ини, томирларим.

ШОИР БЎЛСАНГ

Камол этсанг не касбни укам, муқаррар,
Фаррошми у, ўқитувчи ёки чилангар.

Меҳнат билан топажаксан ҳузур-ҳаловат,
Меҳнат билан кўкаргайдир экин, зироат.

Осон тутма шифокору, пиллакорга ҳам,
Дала кезган ғаллакору пахтакорга ҳам.

Тонг саҳарлаб қўй-қўзисин ортидан қолмай,
Чўпон-чўлиқ тоғу тошни кезади толмай.

Касбу ҳунар маҳоратда топгайдир камол,
Уни бажар сидқидилдан, виждонан, ҳалол.

Шоирликни ҳавас қипсан, омадинг кулсин,
Сўз пирлари доим сенга жиловдор бўлсин.

Ҳар доим ҳам яйраб-яшнаб ёзмайди шоир,
Ё ёлғондан кўнглин хушлаб ёзмайди шоир.

Эл-улусдан канда қилмай у саломини,
Ватанига айтар мудом хуш каломини.

Билсанг гоҳи сўз дўст эрур, гоҳида ёғий,
Малҳам бўлар гоҳ жонингга, гоҳида оғу.

Англа укам, шоирликнинг бир қоидаси —
Энг муҳими, эл-улусга тегсин фойдаси.

ОЛИС ХОТИРА

Ёшлик. Севги. Висол боғида,
Мени кутиб йўлга қарадинг.
Узоқлардан келган чоғимда,
Қўлларимга сочинг ўрадинг.

Кетма дединг, ёлвориб, йиғлаб,
Сўз айтмоққа лол эди тилим.
Қирқ кокил-ла қўлларин боғлаб,
Кетма дея йиғладинг, гулим.

Ишонмасдан айтган сўзингга,
Иримга қўл силтадим лоқайд.
Йиллар ўтиб, боқсам изимга,
Кўп тошбағир эканман у пайт.

Йиллар. Севги. Ҳижрон шаҳрида,
Бузилибди у таниш йўллар.
Босмади деб гул қиз бағрига
Қовжирабди қўлимда гуллар.

Ўтмиш. Ёшлик. Чилвир кокиллар,
Ажралишдик видолар айта.
Ўтса ҳамки қайтмас у йиллар
Тушларимга кирибсан қайта...

Абдумажид АЗИМ 1957 йилда туғилган. ЎзМУнинг журналистика факултетида ўқиган. “Ўтаётган йиллар”, “Қалбимнинг Ватани”, “Қуёш боласи”, “Ёруғлик одами” номли шеърий тўпламлари чоп этилган.

ДУНЁНИНГ ЖАННАТИ

Қадим битиклардан келар бир садо,
Бу элнинг кўкси тоғ, қадри осмондир.
Ким не деса десин, қилмасман парво,
Жаҳон ичра ўзи битта жаҳондир —
Дунёнинг жаннати Ўзбекистондир!

Қонида бор азал ғолиблик руҳи,
Ҳам Ер узра экар дўстлик уруғин.
Бу — баланд чўққида ҳилпираб туғи,
Манглайида қуёш балққан ошёндир,
Дунёнинг жаннати Ўзбекистондир!

Ўзбек деган калом юракка яқин,
Қанча достон бўлар айласам талқин.
Ватан — иқболимни ёритган чақин,
Таянчу ифтихор — жон ичра жондир,
Дунёнинг жаннати Ўзбекистондир!

Ризқидек пок пахта, буғдой даласи,
Ёқтирган қўшиғи — тинчлик ялласи.
Шундан дадил янграр она алласи,
Бешигида кулган бекдир, султондир,
Дунёнинг жаннати Ўзбекистондир!

МЕН ЁШЛИКМАН

Юрагимда бир олам орзу,
Бошим узра нурли камалак.
Қалбда олов, кўзимда ёғду,
Чорлар мени ёруғ келажак.

Шиддатимдан ҳайиқар бўрон,
Мен қудратман, енгилмас кучман.
Парвозимда жозибдир сурон,
Қанотлари қайрилмас қушман.

Ёрдир менга илҳом ва ижод,
Сипқорарман илм булоғин.
Меҳнат билан этарман обод,
Жондан азиз Ватан тупроғин.


Юрагимга тутарман қулоқ,
Севиб, ёниб яшарман сармаст.
Руҳим асов, қоним ҳам қайноқ,
Борми менга қилмаган ҳавас!

Мен кўркамман, жасур ва суюк,
Кўрқитолмас сира ташвиш-ғам.
Ютуқларим — энг олий ютуқ,
Кечирилар хатоларим ҳам.

Менда имкон, мустаҳкам соғлиқ,
Камолимга кўз тикар Ватан.

Зоҳиджон ОЛОВ

ЖАҲОН ИЧРА ЖАҲОНИМ



Менинг бурчим — мен билан боғлиқ,
Шу миллатнинг тақдири, зотан.

Дарё бўлар қачондир жилға,
Тоғ бўлади бир кун зарралар.
Ғолибдурман курашлар ичра,
Қутлар мени юксак марралар.

Бошимда бахт, кафтимда дунё,
Атрофимда парвонадир тонг!
Не истасам айлаб муҳайё —
Қўллар мени ҳур Ўзбекистон!

* * *

Эркатойсиз, нозик-ниҳол, иззатталаб,
Одатингиз — куйган дилга найза санчиш.
Маликамсиз, куним ўтар кўнгил овлаб,
Менга кулиш мумкин эмас, сизга ранжиш.

Табассумдан парҳез қилиб асраб ўзни,
Нетай қисмат — ошиқликда Қайсга бўйлаш.
Тунлар бедор юлдузларга қадаб кўзни,
Менга ухлаш мумкин эмас, сизга ўйлаш.

Ёнингизда туйғуларим айлаб сочқи,
Йироқ кетсам чорлагайсиз, қайт деб шу он.
Сочингиз ҳар толасига мингта соқчи,
Менга висол мумкин эмас, сизга ҳижрон.

Оворaман тақиқларга қўёлмай чек,
Наҳот гуноҳ ишқ юртида бахтни кўзлаш...
Ҳар кун юз бор севги изҳор қиларман лек,
Менга тинглаш мумкин эмас, сизга сўзлаш.

Чеҳрангизда ёниб турар қувончдан чўғ,
Мен нотавон асириман ситам мулкин.
Бахтиёрлик сизга мумкин, менга-чи йўқ,
Менга неки мумкин эмас — сизга мумкин.

* * *

Бир кун...
Ёриларсан — етмас бардошинг,
Қалбинг тўлиб кетар йиллар гардига.
Ғурур сукунатин бузар кўз ёшинг,
Мангу чидаб бўлмас соғинч дардига.

Наҳот тушунмассан,
Излама қанча,
Мени тополмайсан ўзгадан ахир?
Сени унутмоққа уринмай ҳарчанд,
Ўзга бўлолмасман энди барибир.

Аччиқ ҳақиқатдан киприкларинг нам,
Ҳисларинг яширма — кўзингда зоҳир.
Муҳаббатни ўйин билиб ўзинг ҳам,
Тан оларсан севиб қолганинг охир!

Фақат у кун юрак садоларингни,
Ортга қайтмас йиллар олармикан тан?
Ювиб бўлармикан хатоларингни,
Кечиккан иқрору кўз ёши билан?..

Зоҳиджон ОЛОВ 1986 йили Тошкент вилоятида туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факултетида таҳсил олган. «Оламвор орзулар», «Севаман» номли шеърий тўпламлари чоп этилган.

Хикоя

Абдулла ЧИМИРЗАЕВ

ХИЁБОНДА



У хиёбонга кириб келаверишда бир лаҳза тўхтаб, бир-бирига елкама-елка қўйилган ўриндиққа қаттиқ нигоҳ қадади. Кейин кўзларидан сизиб чиққан ёшлари кипригига осилиб ерга тўкилди.

Гажакдор панжарали ўриндиқда ўзига тескари ўтирган, сочлари битта қилиб ўрилиб, олдинга ташланган соҳибжамол сари ошиқди. Масофа қисқарган сайин қувончдан кўзлари йирик тортиб бораверди.

Яқинлик қўл узатса етадиган даражада қисқарганда, очиқ гардани нуқрадек холини таманно этиб, югурик оёққа тушов бўлди. Унинг қувончи ичига сиғмай кетган боладай завқ билан тавонини жуфтлаб, озод сакраб дол бўлдию, тош кўтармоқчи бўлган полвондай билак букиб оҳистагина “yes”, деб қўйди.

Кейин бирдан ранги униқиб, вужудига титроқ оралади. Шамол тўккан олча гулидек, кайфияти синиқ тортиб, ғамгин букчайиб қолди. Унинг кўзларига тик боқиш ҳақида ўйларкан бармоқлари учигача қалтираб кетди.

Зил-замбил судралиб ўша нозанинга тескари қўйилган ўриндиққа оғир чўкди.

Оғизларини каппа-каппа очиб, лаб-лунжини бармоқлари билан сидирди. Тағин бир ажиб энтикиш, чексиз ҳаяжонда оғиз жуфтлади.

Салом, Дилафрўз... ниҳоят мен қайтдим. Биламан, ҳозир қулоқларингга ишонмаяпсан. Кўзларинг ҳам бунга тезроқ гувоҳлик бергиси келаяпти. Лекин, илтимос, ортингга қарама, йўқса, мен ўзимни унитиб қўяман. Чап кўксимда бир замонлар қадалган зирапчадан халос бўлолмайману доғда қоламан.

Демоқчи бўлганларим заҳил жавдар чангидек, зумда тўкилиб тушади. Гунг қулдай ожиз қоламан. Ўтинаманки, мени бундай имкондан жудо қилмагайсан. Зеро, баҳорни кутган қизғалдоқдай юрагим тўлиб турибди.

Илло, сени англаш йўли душвор кечгани ёлғиз ўзимга аён. Кўнгил деразасидан мўралаётган қизчани таниб олиш хийла қийин бўлди. У кимга ўхшарди десам бўлади. Ҳа, топдим! Ҳар баҳор уйимиз синчида меҳмон бўлувчи синглим қалдирғочга-да. Энди бўлса юрагимнинг кемтиги доим куз келганда симиллай бошлайди.

Ўшанда, қафасдан учирма бўлган қушдай шошаётган эдим. Гарчи кўрмаганга олган бўлсам-да, аниқ эсимда. Ҳавода муаллақ қолган, қўлларинг, мени тутиб қолиш учун ўсиб кетмаётганидан нафратланган эдинг.

Мен телба бўлсам хайр-хўшни насия қилиб жўнаб қолдим. Нимага шундай қилдим? Бунга оқлайдиган бирор баҳона айтолмайман. Бугун эса тиз чўкиб сўрайманки, инжа изтироблар исканжасида ўксик йиғлаётган қизғинанинг кўз ёшлари ҳаққи бугун юзлари шувит бўлган, сени шундай тарк этган гумроҳни асло кечирма...

Эсингдами, баҳор. Қўл ушлашган иккита бола. Улар қандай бечубор эди. Сочларига қоқигулдан жамалаклар илган қизча. Ва яна тож бўлар деб, букри толдан толпопуклар...

Энди уларнинг ёшларига ёш қўшилган. Инчунун, орадаги масофалар ҳам улғайган.

Ўша йигит кетди-ю, ўз-ўзига бегона бўлди. Қўшни қизни ўйлаб ичиқди. Ўтган йиллар унга аср залворини берди. Хат ёзди. Ё араз, ё бошқа сабабми жавоб олмади. Йиллар сурони оралаб, ўқиш деб, дунёни айланиб чиқди. Бир замонлар ўзи айтганидай, бекаму кўст бўлиш илинжида жуда кўп пул топди. Аммо бахт ҳақида бундай дея олмайди. Тушундики, шу қизгина у излаган бахт экан.

Йигитнинг сўзларини бўғзида қолдириб, қиз ўзига яккаш ўзигагина хос бўлган табиий ярашиқ билан ханда отиб қўяди.

Йигит бу ҳолатда ўнғайсиз мум тишлаб қолиб, бошини қуйи солганича сўзини давом эттиради.

Кўнглингдан нималар ўтаётганини биламан, эҳтимол, рангсиз ва шаклсиз бу бўшлиқлар қаердан пайдо бўлар экан дея ўйлаётгандирсан. Гоҳида шундай паллада яшагинг келмай қолади. Узоқ йўл юрган йўловчидай руҳинг чарчайди. Қаерларгадир бош олиб кетгинг келади. Лекин бу ҳақда гапириш ноўрин. Гапдон шеригинг дунёни терс ағдариб қўйганда ҳам унга эътибор бермайсан. Хаёлинг калавадай чувалаб кетиб адаштириб юборади. Сен илк бор ҳеч нарса ҳақида ўйлай бошлайсан. Хаёлингга бир фикр зуллукдай ўрнашиб олади. Кимсасизликни соғинасан. Ўзўзингга пичирлаб, “Одамда қачон қанот ўсиб чиқаркан-а?” — дейсан.

Бироқ ёнингдагилар асло эшитмасин. Йўқса, бу оний фурсатлик бўшанглигинг қисмати бўйнингга жиннилик тамғасини илиб қўяжак.

Эҳтимолки, аксинча, ўйлаётгандирсан. Лекин нима бўлганда ҳам, юрагинг музлаб қолмагандир дея, умид қиламан. Йўқса мен ўзимни сенинг бу қилмишинг учун кечира олмайман. Ахир бутун орзу ва қувончларим билан бирга борлиғимни пойингга келтирдим. Сенга шунчалар интиқ бўлдимки, буни ёзиб ёки тушунтириб бўлмайди.

Биламан, мени унутмабсан, йўқса беш йил аввал берилган ваъдага вафо қилиб бу жойда ўтирмаган бўлар эдинг. Садоқатинг эвазига мен ўла-ўлгунимча тавалло қилсам арзиркан.

Сезиб турибман нимадир демоқчисан. Жим турма, гапира қол, қанча аразинг, қарғиш, гинанг бўлса гапир. Фақат индамай турма!

Йигитнинг орқа томонида ўтирган хоним ниҳоят бир хўрсиниб, соатига қараб қўяр экан, ширин бир эркаланиш оҳангида:

— Машраб, ёнимга келақол асалим, — деб қўйди. Бу гапдан йигит сал қолса ҳушдан айрилай деди.

Билардим-билардим, кечиришингни билардим, — дея эпчил хатлаб унинг қошида пайдо бўлди. Қиз аллақандай газетани қат-қат буклаб, бежирим сумкасига жойлар экан, тўсатдан қаршисида пайдо бўлган йигитга тикилиб қолиб, — Машраб ака, сизмисиз?! — деди.

Йигит ҳовурини босолмай қулт этиб ютиниб қўйиб шивирлади.

— Ҳа-а! Менман, энди кўзларингга ҳам ишонгинг келмаяптими? Рости мен ҳам худди ширин туш кўраётганга ўхшайман. Ҳа... ҳаммаси учун сенга раҳмат дейишим керак.

Кутилмаганда қиз бир кафтини қулоғига карнай тутиб: — А-а! Нима дединг, қаттиқроқ гапиринг ўтган йили касал бўлгандим, шундан буён қулоғим битиб қолган, — деди шанғиллаган бир оҳангда.

Йигит тараддудланиб қолдида, овозини баланд олиб:

— Энди мен... — деганди, жувоннинг этакларини бир болакай тортқилаб қичқириб қолди.

— Ойи, бу амаки ким?

Йигит ток ургандай бўшашиб кетиб, аёлга савол назари билан қаради.

Аёл болачага бир қур назар ташлаб қўяр экан:

— Машрабжон болам, бир пас жим тургин, ҳозир уйга кетамиз, — деди.

Сўнг йигитга юзланиб, қулоғини яқинроқ тутаркан:

— Хўш, нима деяётган эдингиз, — деди.

Йигитнинг бошига оғриқ чиқиб, кўз олди тиниб кетар экан, жувон олдида ўзини эплашга уриниб, бақиргандай гапира бошлади:

— Тўй бошлаб қўйдим, ўтарсан...

— Ҳа, майли қачонга?

— Ҳалиги... Кузга бўлса керак...

— Ҳали куни аниқ эмасми?

— Ҳа! Ҳа. — Йигит ортиқ чидолмади. Шарт бурилиб изига қайтди.

Ортидан кузатиб қолган аёлнинг туриб-туриб хўрлиги келди. Кўзига ёш олганча ҳиққиллади:

— Бевафо...

Абдулла ЧИМИРЗАЕВ 1988 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг тарих-фалсафа факултетини битирган. "Ҳаёт ёғдулари" номли биринчи ҳикоялар тўплами чоп этилган.

“ЖАҲОН АДАБИЁТИ”

2014 йил, июн ойи сони

Журналларни варақлаганда

Анъанага кўра ҳазрат Алишер Навоийнинг шоҳ байтлари билан очилган журналнинг янги сонида Италия адабиёти ҳақида муштарийларга кенгроқ тасаввур беришга ҳаракат қилинган.

“Глобус” рукни остида Италия адабиёти, мусиқаси, театри, тасвирий ва меъморчилик, ҳайкалтарошлик санъатлари ҳақида мухтасар, бироқ аниқ далил ва мантиқан изчил мулоҳазаларга асосланиб ёзилган мақолалар билан танишасиз. Уйғониш даври санъатининг ёрқин намояндаси Леонардо да Винчининг кичик ҳикоялари (Шаҳноза Раҳмонова таржимаси), таниқли адиб Карло Эмилио Гаддануинг “Тугалланмаган лавҳалар” асари (Муҳайё Йўлдошева таржимаси) қадим ва замонавий итальян насри ҳақида муайян тасаввур беради. Италия шеъриятининг Жўсуэ Кардуччи, Алдў Палаццески, Жузеппе Унгаретти сингари мумтоз вакиллари ижодидан сараланган намуналар Тоҳир Қаххор таржимасида тақдим этилган. Умрини театр санъатига бағишлаган машҳур санъаткор Эдуардо де Филипионинг “Неаполь — миллионерлар шаҳри” комедияси (Усмон Азим таржимаси), атоқли олим ва таниқли адиб Умберто Эконинг “Кўнгиловлар адабиёт”, “Постмодернизм, киноя, мамнуният” мақолалари (Гўзал Бегим таржимаси), шунингдек, буюк итальян санъаткорлар Ф.Феллини, С.Лорен, А.Бочелли ҳақидаги мақолалар Италия адабиёти ва санъати дунёси ҳақида қизиқарлилиги, маълумот ва мулоҳазаларга бойлиги билан эътиборингизни тортади.



Таниқли қрим-татар адибаси Урие Эдемованинг “Ойдин кечада” романидан боблар (Миразиз Аъзам таржимаси) ва Абдулла Шер таржимасида мутаржимнинг мухтасар сўзи билан берилган атоқли рус шоираси Анна Ахматова шеърларидан намуналар ҳам журналнинг ушбу сони мундарижасини бойитган.

Шунингдек, сиз “Жаҳон адабиёти”нинг мазкур сонида Ф.Клингернинг “Фауст ҳаёти, аъмоли ва жаҳаннамга қулаши” романининг ҳамда С.Беккет қаламига мансуб “Годони кутиш” қиссасининг (Жаббор Эшонқул таржимаси) давомини ўқийсиз.

«IJOD.UZ» САЙТИ ГАЗЕТАМИЗ МЕҲМОНИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “ijod.uz” сайти “Ижод” фонди кўмагида илк бор 2011 йили халқаро тармоққа чиққан. Ҳозир сайтда 2000га яқин мақола, 100дан ортиқ аудио ва видеоматериаллар жамланган бўлиб, кунига 150-200 ўқувчи ташриф буюриб, 300-400 саҳифа ўқилмоқда. “ijod.uz” ташкил этилгандан бери 100000дан ортиқ адабиёт ихлосманди сайтга ташриф буюриб, 800000дан ортиқ саҳифа ўқилган.

Бугун “ijod.uz” сайти янги адабий материалларни эълон қилиб боришда энг олдинги ўринларда. Ҳар куни унинг саҳифаларида шеърият, наср, адабиётшунослик ва бадиий публицистикага оид ўнлаб материаллар эълон қилинади. “Адабий ҳаёт”, “Ўзбек шеърияти”, “Ўзбек насри”, “Адабий суҳбатлар”, “Адабий танқид”, “Аудиогалерея”, “Биринчи китобим”, “Болалар адабиёти”, “Видеогалерея”, “Драматургия”, “Дўрмон ҳангомалари”, “Ёшлар ижодидан”, “Жаҳон насри”, “Жаҳон шеърияти”, “Кутубхона”, “Ўзбек адиблари”, “Ўзбек мумтоз адабиёти”, “Ўзбек халқ оғзаки ижоди” каби йигирмадан ортиқ рукнда ўзбек ва жаҳон адабиётининг икки мингга яқин намуналари билан танишиш мумкин. Бундан ташқари, сайтда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фаолияти, вилоят бўлимлари, уюшма поликлиникаси ва “Дўрмон” ижод уйи иш тартиблари ҳақида тўлиқ маълумот олиш мумкин. Сайтда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ойлик ва ҳафталик нашрлари учун ҳам алоҳида рукн ажратилган бўлиб, “Шарқ юлдузи”, “Жаҳон адабиёти”, “Ёшлик” журналлари, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг фаолияти, уларда эълон қилинган мақолалар билан танишиб бориш имкони мавжуд. Маълумотларнинг ҳозирги замон талаблари асосида, ёшлар учун қулай бўлган аудио, видео ва электрон китоблар шаклида тақдим этилаётгани ҳам жуда фойдали бўляпти.

Сайтдаги адабиёт ва маънавият тарғибининг ижтимоий тармоқларда, жумладан, ҳозирда жуда кўп зиёлилар ва ёшлар фойдаланаётган Facebook майдонида ҳам амалга оширилаётгани муҳимдир. Айни пайтда Ёзувчилар уюшмасининг Facebookдаги саҳифасини 1000га яқин мухлис мутолаа қилмоқда.

Ушбу саҳифада “ijod.uz” сайтида жамланган асарлар, адабий суҳбат, мақолалардан парчалар жузъий таҳрирлар билан эътиборингизга тақдим этилмоқда.

Юсуф ХОС ҲОЖИБ

“ҚУТАДҒУ БИЛИГ”

Парча

...Билимни буюк бил, ақл-идрокни йўл,
Улуғдир икковин тута билган қўл.
Сўз дедим, исботи шундай келди мос,
Мендан эшит уни, қулоғингга ос:
Заковат кўрган ер, бўлур улуғвор,
Билим кимда бўлса, буюклиги бор.
Доно билур, идрок этади оқил,
Билимли, оқилнинг муроди ҳосил.
Билим маъносин бил, яхши билим ол,
Билимни бил, мушкул еringда қурол.
Дардингга даво қил, келгил, эй нодон,
Билимсиз — хор, доно — бахтлидир, инон.
Билимдир бурундуқ гар тутса одам,
Тилакка етар ҳам яшар муҳтарам.

* * *

...Икки нарса билан қаримас киши,
Эзгу каломию эзгу — қилмиши.
Кишидан кишига қолари сўздир,
Мерос сўзни тутсанг, нафи юз-юздир.
Тилак сўз эди, эй билағон, оқил,
Авлодларга қилсам, дегандим, нақл.
Идрок ўнг келди, кўр, ишончим айтар,
Хато сўз ҳамиша зарар-ла қайтар.

* * *

... Тиғ олди-бердиси элни тузатар,
Қалам иши ёруғ йўлга узатар.
Улардан келмоқда бор эзгу тузук,
Бу мерос, билганлар бўлишар бузрук.
Марҳумлардан қолган ёдгор — сўздир ул,
Панд, насиҳат тутгин нафи жуда мўл.
Билимсизлик аниқ, ожизликка тенг,
Эй нодон, зулматни билим билан енг.
Киши кўрки — сўз, ул сўз эса талай,
Кел, эзгу сўзларни, эй тил, мадҳ қилай...

Қадимги туркий тилдан ўзбек тилига ўгирувчи
Фазлиддин РАВШАНОВ.

ХОС КАЛОМ ХОСИЯТИ

Саида ЗУННУНОВА

Кейинги пайтда эълон қилинган ҳикояларнинг мавзу ва мундарижаси, умуминсоний қамров кўлами, бадиийлиги – структураси, образлари ва услуби сўнгги эллик йилларда ёзилган ҳикояларникидан сезиларли даражада фарқ қилади. Уларда халқ ҳикоячилиги тажрибаларини ҳам, мумтоз адабиёт анъаналарини ҳам, жаҳон, жумладан, турк, япон, рус, Лотин Америкаси, инглиз, француз, Америка прозаси унсурларини ҳам кузатиш мумкин. Муҳими, бугунги ҳикояларимизда мана шундай улкан тажриба омилларини адабиётнинг тугланмас манбаи, ҳаёт воқелиги билан уйғунликда ифодалашга уринишлар бор.

Ҳикояларни кузатиш, бундан бир неча йиллар бурун бошланган, воқеликни истиоравий ифодалаш жараёнининг бугунга келиб муайян босқичга кирганини кўрсатади. Ҳикояларнинг бир қисми истиорага (метафора) қурилгани фикримизни тўла тасдиқлайди. Уларда истиоравийликнинг икки шаклини учратамиз. Уларнинг биринчиси бутунича истиорага қурилган кичик эпик жанр намунаси – ҳикоя-истиоралардир. Бундай ҳикояларда ёзувчи томонидан танланган бирор мавзу ҳамда воқеа бир бутун истиора тизимига айлантирилади. Сюжет ва образ умумлашма (типологик) моҳият касб этади. Ҳикоя тили рамзлар силсиласига қурилади. Асар композицияси ўрнини истиора қолипи (метафорик модел) эгаллайди. Натижада ҳикоянинг макон-замон қамрови улканлашади. Маъно кўлами универсаллик касб этади.

Неъмат Арслоннинг “Туманли минтақа”, Луқмон Бўрихоннинг “Темир сандиқ”, Улуғбек Ҳамдамнинг “Сафар”, Исажон Султоннинг “Сувдаги коса” асарларини ҳам ҳикоя-истиора сирасига киритиш мумкин. Н.Арслон метафорик маконнинг кутилмаган, истиоравий харитасини чиза олган. Айниқса, ундаги “туман” метафорасининг мазмуни жуда чуқур. Л.Бўрихоннинг “Сандиқ” ҳикоясида улкан маданий-психологик тарих ягона қаҳрамон (образ-истиора) ва сандиқ детал-истиораси атрофида умумлаштирилган. Аммо айтиш жоизки, бу тур ҳикоя муаллифларининг деярли барчаси тор ижтимоий муаммолар доирасида ўралашиб қолишган. Ҳолбуки, адабиётнинг, қолаверса, истиоравий талқиннинг қамров кўлами бугина эмас.

Айни тур ҳикояларнинг иккинчи хил кўринишини истиоравий ҳикоялар деб номлаш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳикоялар тўлиғича истиорага қурилмайди, балки улардаги бирор мотив, образ ёки детал истиоравий вазифани бажаради. Ёзувчи бадиий ниятини ойдинлатишда, асар бадиий ғоясини ёркин ифодалашда ҳикояга киритилган мана шундай истиора бўлаклари муҳим рол ўйнайди. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Шабада”, Нодир Норматовнинг “Гулдурак даштларида” сингари ҳикояларида шундай хусусиятлар кўзга ташланади. Ёзувчи Х.Дўстмуҳаммад ўз ҳикоясини бошдан-охир “Оила барбод бўлса, Оллоҳнинг арши ларзага келади”, деган ақидага қуради. Бу илдизи теран шарқона тезис орқали бугунги дунёнинг барча ҳудудларида кечаётган маънавий инқироздан ўқувчини огоҳлантиради. Ҳикоядаги олов детали, истиора сифатида, бадиий психологик таъсир субъекти вазифасини бажаради.

Бугунги ҳикояларнинг асосий қисмини воқеий ҳикоялар ташкил этади. Айни далил ўзбек насрида ҳамон ушбу анъана етакчи мақомда турганидан далолат беради. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, бугунги ижтимоий муносабатлар, глобаллашув жараёнида пайдо бўлаётган янги тип одам образи, аввалги даврлар учун хос бўлмаган тамомила янги сюжетлар, деталлар, янгиланаётган тил ва услуб элементлари ҳам айнан шу йўлдаги ҳикояларда кўпроқ кўзга ташланади. Гарчи, бу ўринда барча воқеий ҳикояларни ягона истилоҳий тасниф остида қайд этаётган бўлсак-да, уларнинг ҳар бири эстетик салмоғи, бадиий концепцияси, танланган воқеаси (сюжети), образлари, айниқса, услуби жиҳатидан фарқланади ва шу сабабдан жиддий ички таснифни талаб этади. Шу боис реалистик ҳикояларни қуйидаги ички таснифда беришни лозим топдик.

Ноанъанавий сюжет, образ ва услубдаги воқеий ҳикоялар: Омон Мухторнинг “Кекса муаллим ёки Наполеон ҳайкали”, Абдуқаюм Йўлдошевнинг “Пуанкаре”, Дилшод Нуруллаевнинг “Байрамдан кейинги байрамлар” ҳикояларида мана шундай хусусиятлар кўзга ташланади. Масалан, О.Мухтор ҳикоясида бадиий образнинг ассоциатив шакли кўзга ташланса, А.Йўлдошевнинг “Пуанкаре”си замонавийлиги, ўзига хос ҳикоялаш услуби, бадиий муаммонинг долзарблиги ва, энг муҳими, асар марказидаги жумбоқнинг антиқалиги, аниқлиги, тарихий-илмий асосга эга эканлиги билан эътиборга молик. Д.Нуруллаев ҳикояси ўзининг услубий экспериментга қурилгани билан ноанъанавийликка даъво қилади. Ёзувчи ўз асарида феълнинг мажҳул даражасидан моҳирона фойдаланади. Бутун ҳикоя кириш сўзлар, ажратилган изоҳ бўлаклар ва бошқа бадиий тил воситалари, такрор гаплар тизими ўлароқ бир жумлага жойланган. Очиқдан-очиқ сунъий унсурлар, баъзи “адабий олифтагарчилик”(Н.Эшонқул) қусурларидан қатъи назар, бу ҳикоя ўз муаллифининг тилбилгичлиги, моҳирлигини далолат қила олади.

Анъанавий сюжет ва услубдаги ҳикояларнинг ҳар бири алоҳида ёндашувга арзийди. Умумий ҳолатда махсус тадқиқотларга эҳтиёж туғдиради. Аммо, юқорида қайд этганимиздек, улардаги умумийлик, ягона реалистик пафос бугунги турмуш манзараларини мозаикада ифодалашида кўринади. Умидли ёш ёзувчи А.Суюновнинг “Ота ва ўғил”, “Йўқчи”, “Икки тонг ораси” ҳикояларини ўқиб, хаёлимдан Ватанимиз манзаралари, одамларимиз табиати, нуқтаи назари, энг муҳими, тили ва ифода йўсини “нақадар оригинал-а”, деган фикр ўтди... Аммо ёзувчи ҳикоянинг қайси жойида бугунги расмий тил таъсирига берилган бўлса, ўша нуқтада асар биз алқаб турган самимиятдан узилиб қолганки, бу масалани ёзувчи жиддий ўйлаб кўриши керак.

Ўзининг қатор ҳикоя ва қиссалари билан китобхонларда яхши таассурот қолдиришга эришган И.Султоннинг “Қисмат” ҳикояси марказидаги ўлиб кетган ота образи ўқувчи кўз ўнгида одам эмас, “тилла балиқ” шаклида гавдаланади. Аммо ушбу тилла балиқни на миллий поэтик тафаккур заҳираси, на ҳикоядаги образлар руҳий-маданий қуввати нуқтаи назаридан бадиий рамз сифатида қабул қилиб бўлади. Чунки бундай талқин ҳар қандай ҳолатда, ҳар учала субъект учун ҳам ғарбга тақлид ўлароқ, бегона, ғайриҳаққоний бўлиб қолаверади. Иккинчидан, ҳикоядаги Катта ўғилнинг ўз отаси деб билган (?!!) балиқни отиши (қадим ҳиндларнинг мифологик эътиқодида маъбуд Вишну балиқ қиёфасида келиб, адашган, оч қолган одамларни тўйдиради, беморларга шифо ато этади, деган ботил эътиқод бор), уни бемор онаси учун қовуришга ўтиб: “... Ана энди қозонда жизиллаб куйяпсан, ота. Дўзахда шунақа куйишингни орзу қилган эдим... Мана сенга! Жизилла, жизиллайвер!” дейиши, афсуски, фрейдизм афсунларига маҳлиёликдан бошқа нарса эмас.

Энг муҳими, ҳикоя адабий-тарихий жараёнга доир уч замон хусусиятини мужассам эта оладиган ўзига хос бадиий жанр ҳисобланади. Жаҳон ҳикоячилиги контекстида бундай қараш ўзини тўла оқлаб келган. Айни пайтда, бугунги ўзбек ҳикоялари ҳам шундай фазилатлардан йироқ эмас.

Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ

ШЕЪР ЎҚИГИМ КЕЛАР...

Шеър ўқигим келар,
Қуйма сатрлардан
Юрагимга тушса жимгина ларза.
Мени бошлаб кетса ажиб туйғулар
Яшиллик югурган қир, адирларга,
Яланг оёғимни силаса майса.

Шеър ўқигим келар,
Чарчоқ ҳисларга
Сўлим ва мусаффо ҳаво пуркаса.
Қалбдаги бўшлиқни тўлдириб.
Оламни муаттар исларга,
Яна чаманларга буркаса.

Шеър ўқигим келар,
Нотинчликка чанқоқ
Қанотли ўйларга ташна юрагим.
Сергак этса оҳанглар, куйлар,
Ўтказдириб тунларни уйғоқ,
Ташна лабга ўхшар юрагим.
Шеър ўқигим келар...

* * *

Майса ниш урибди ариқ бўйида,
Биринчи севгидек бирам беғубор.
Қуёшга талпинган қиёқларида,
Биринчи севгининг соддалиги бор.

Кўрмаган саратон офтобини еб,
Кузнинг тўзонларин мутлақо билмас.
Булут кўз ёшидан талтайиб, ишқ деб,
Баҳор элларига кўз тутади маст.

Майса ниш урибди ариқ бўйида,
Биринчи севгидек бирам беғубор...

АДАБИЙ АСАР – ТИЛ ҲОДИСАСИ

Тил масъулиятининг йўқолиши сўз санъатига яқин ҳам келмайдиган нарсаларни урчитиб юборди. Тўғри келган одам хаёлига келган нарсани ёзяпти, қўлбола ривоятлардан тортиб қотирма романларгача... Майли, ёзсинлар, шу ёзганлари ҳужжат, манба асосида бўлса керак, уларнинг маърифий қиммати ҳам бор, лекин тадқиқот десинлар, изланишлар, таассуротлар десинлар, лекин роман деб жанрнинг обрўсини тўкмасинлар. Ёшлар ўқимайди, деймиз — шунақа нарсаларни ўқийдими? Ўзимизнинг ҳам савияси паст нарсаларга кўзимиз нурини кеткизишдан бошқа юмушимиз йўқми? Ахир, ўқиладиган нарсани ўқиймиз-да... Тил бадииятини эгалламай асар ёзиш — ўзига нисбатан беҳурматлик ва китоб аҳлига нисбатан ахлоқсизлик...

* * *

Албатта, янги асар, янгича тафаккур йўқ ердан пайдо бўлмайди, адабиётда давомийлик бор, у — адабий тилнинг равнақи, бунда узилиш бўлмайди. Лекин А.Қодирий асарлари яратилганига саксон-тўқсон, А.Қаҳҳор асарлари яратилганига эллик йилдан ошяпти, ҳозирги шаклланган авлод ёзувчилари шу асарлардан тил тарбиясини олган, лекин адабий тил чиққан довонида қотиб турмайди, ўсади, устозларимиз ҳам бир жойда қотиб турмайди-ку. Устозларимиз ҳам мен келган чегарадан у ёғига ўтмайсизлар деган ўгит бермаган. Тоғай Муроднинг халқона суюмли, Мурод Муҳаммад Дўстнинг баланд ҳаволи, теран фалсафага бой, Эркин Аъзамнинг ҳар бир сўзни чертиб олиб ёзилган тили яралиб бошлаганига ҳам ўттиз-қирқ йил бўляпти. Тил туйғуси она сути билан, ақл билан бирга берилади, кейин ўзгаради, сайқал топади.

* * *

Китобхон деганимиз бир хил юксак дидли одамлардан таркиб топмайди, ўқиётган омма қизиқиши, диди, билими, савияси, дунёқараши турли даражада бўлган қатламлардан иборат. Бутун дунё китобхони шундай. Дўкон пештахталарини асар эмас, асарлар босиб кетди деймиз, демак, шунча нарсага талаб бор, уни ўқиётган омма бор-да. Нашриётлар ҳам ўтмайдиган молини савдога қўймайди. Бадиияти теран асарларни диди теран китобхонлар ўқийди, бу қатлам унча қалин эмас, озчиликни ташкил қилади, келиб чиқадики, адабиёт элитарлашяпти. Дунёнинг илғор адабиётлари шундай: ҳар бир китобхон қатламининг ўзига яраша маҳсуллари бор, лекин, келинг, шунақа дейлик, юксак адабиётни бозор адабиётидан паст кўрмайди, айни пайтда бозор адабиётини ҳам юксакка кўтармайди. Ҳаммаси ўзининг ўрнида, ўз мароми билан ривожланади. Янгиланиш руҳи, янгиланиш эҳтиёжи бугунги ўзбек насрининг хос аломати бўлса керак.

* * *

Адабий тилимиз ҳали довонлар ошиши керак. Буни нечоғли зарурлигини бадиияти, дунёбинлиги бизникидан тубдан фарқ қиладиган, тафаккур тарзи ўзгача асарларни ўз тилимизга ўгирган таржимонлар жуда яхши билади. Таглама орқали биздан қилинган таржималарда воқеаси, сюжети чет эл китобхони учун қизиқ туюладиган хомашёдан бинойидек асар яратилади... Ўзимизга қайтайлик, аслимизни тиклайлик; эгамен мамлакат, мустақил миллатмиз, тилимиз давлат тили, ўзимизга қолди деб, унга бефарқ бўлмайлик, ривожлантирайлик. Юзимиз биринчи галда ўз китобхонимиз олдида ёруғ бўлсин. Адабиёт, адабий асар биринчи галда тил ҳодисаси, у миллий тилда яратилади, унинг миллий жаранги бўлса, четдагилар эшитади...

Аҳмад АЪЗАМ

ИНТЕРНЕТ АДАБИЁТИ

Бизлар кўп йиллардан бери китоб ортидаги ижодкорни ва гоҳо телевизион экранида кўриниб турадиган ижодкорни таниймиз. Лекин Интернетдаги ижодкор тамомила “бошқа”, имконлари чексиз ижодкордир. У асарини ўзи хоҳлаган шаклда, ранг ва дизайнда, хоҳлаган безаклари билан эълон қила олади, изоҳлар киритади, айни вақтнинг ўзида таҳрир ҳам қила олади. Айни вақтда ўқувчининг фикрларига, ижтимоий ҳодисаларга муносабат ҳам билдиради, масалан, шу дамда нимани ўйлаётганини ҳам билдира олади. Ўқувчи эса муайян асар юзасидан истаган вақтида адиб билан мулоқотга киришиши, мулоҳазаларини баён этиши, ҳатто махсус дастурлар орқали юзма-юз мулоқотга ҳам киришиши мумкин. Мулоқотнинг ривожи шу тарзда юз беради ва “фаол ўқувчи”ни пайдо қилади. Бунинг яхши томонини кўра олишимиз керак. Айнан шу боис “йўқолган ўқувчи”ни топиш имкони пайдо бўлади...

Адабиётнинг Интернетга кўча бошлаши янги ҳодисаларни, ўз ёзувчиларини кутаётган янгидан-янги ўқувчилар қатламларини очиши мумкин. Тўғри, ўқувчиларнинг асосий қатлами ҳозирча Интернет билан унча таниш эмас. Лекин тараққиётнинг бугунги суръатига қараб, бир неча йилдан кейин Интернет худди телевидение каби кундалик эҳтиёжга айланиши мумкинлигини эҳтимолдан соқит қилиш қийин. У ҳолда, ҳозирги Интернет мухлисларини сираям “олақуроқ оломон” деб атаб бўлмайди, улар — эртанги кун постиндустриал жамиятининг илғор қисми, йигирма-ўттиз ёш орасидаги бугуннинг ёшлари эртанги куннинг профессионалларидир.

Интернетдаги асар босма асардан бошқача қиёфага эга. Китоб бир неча ой ичида босилиб, шундан кейингина адабий мутахассисларга ва ўқувчиларга етиб боради. Бунинг учун орада катта маблағ сарфланади, у сарфнинг охирги ҳалқаси ўқувчи ёки танқидчидир. Ўқувчилар китоб янгиликларидан хабардор бўлишлари учун муттасил китоб дўконига кириб туришлари ёки ўша янгиликлардан хабардор қилиб турадиган бошқа нашрларни сотиб олишлари зарур. Етти юз миллиондан ошиқ кишини бирлаштирган Facebook ёки Twitter каби ижтимоий тармоқларда китоб рекламаси жуда осон иш. Киши ўтирган жойидан жилмасдан китоб билан танишиб чиқиши, мутахассисларнинг ёки ўқувчиларнинг фикрларини ўрганиши, муносабат билдириши мумкин ва ҳоказо.

Юксак адабиётга келсак, бу ўринда аҳвол бошқачароқ. Фаоллик нуқтаи назаридан қарасак, Интернет кўпроқ “иккинчи даражали” адабиёт эканини, тақдим қилинаётган асарларда дилетантлик, такрорлар ва тақлидлар кўплигини кўрамиз. Лекин кимдир қайсидир саҳифага нимадир ёзса, бу ҳали уни кишилар ўқийди ва юксак санъат намунаси сифатида қабул қилинади, дегани эмас. Мўътабар нашрларнинг электрон саҳифаларидан ёки кутубхоналардан ўрин олиш учун ўша нашр талаблари асосида саралаш босқичидан ўтиш лозим. Яъни адабий ҳаётнинг асосий марказлари — журналлар, танловлар ва ҳоказолар Интернетга кўчиши билан уларнинг аҳамияти камайиб қолмайди, балки ортади.

Интернет ҳозирча китоб ва нашр индустрияси билан жиддий рақобат қила оладиган кучга эга эмас, аксинча, босма адабиётни тўлдириб, уни тарғиб қилиш вазифасини бажармоқда. Буни Интернетда параллел равишда мавжуд адабий нашрларнинг сайтлари мисолида кўрса бўлади. Масалан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг, “Шарқ юлдузи” журнали интернет “клон”лари ҳам расмий саҳифа кўринишида, ҳам Facebook ижтимоий тармоғида муваффақият билан фаолият олиб боряпти. “Шарқ юлдузи” журналининг ижтимоий тармоқдаги саҳифасига уч ойда икки минг киши аъзо бўлгани бунинг исботи...

Бугуннинг шиддати аро муаллифнинг ўзи жанрга айланмоқда. Бу – ҳақиқатан ҳам ғалати ва фавқулодда бир ҳодисадир. Ҳаддан ортиқ қўпайиб кетган ахборотлар аро маълум бир авторни танлаш учун асар жуда оригинал ва жозибадор бўлиши шарт. Жанр цензурасининг йўқолиши бугунгача кўрилмаган бошқа шаклларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Асарда нима ҳақда гап кетаётгани, фалсафами, публицистиками, поэтиками – жанри эмас, балки айнан адиб — унинг тафаккури, тасаввури, услуби, ҳаётни такрорланмас йўсинда бадииятга айлантира олиш қобилияти биринчи ўринга чиқмоқда.


Эндиликда асарнинг кенг тарқалиши учун нашр тизими бирдан-бир йўл бўлмайди, табиийки, адабиётнинг ортида турган ва гоҳо “адабиёт — менсиз яшай олмайди” деб даъво қиладиган тижорий муносабатларни янгилайди, асарни тақдим қилишнинг янги усулларини белгилайди. Бу – нашр тизими тамомила маҳв бўлади дегани эмас, сифатли қоғозга босилган залворли, гўзал китоб элитар маҳсулот бўлиб қолаверади ва хос кишиларнинг жавонларидан жой олади...

Хулласки, таҳлиллар ва кузатишлар сўнггида шуни тўла ишонч билан айта оламанки, Интернетда бўладими, бошқа нетдами, ҳар қанақасига ҳам олди-сотди муносабатларига асосланган тижорий ёзмалар эмас, балки бетакрор, гўзал ҳодиса бўлмиш Инсон фикру тафаккури, қалбининг фавқулодда гўзал ва такрорланмас баёни, инсоният орзуларию истироблари, миллат тилининг ва руҳиятининг ақл бовар қилмас ажойиб гўзалликларини акс эттира олган адабиёт, яъни ҳақиқий Адабиёт мангу яшайверади!

Исажон СУЛТОН

БОЙСУН МАДОННАСИ

2009 йилнинг ёз пайтлари. Дрездендаги машҳур Цвингер меъморий мажмуаси зиёратидамиз. Кўз ўнгимда Уйғониш даври атоқли вакилларининг ижод намуналари... Муҳташам саройнинг турли залларини кўздан кечирар эканман, юзлаб сайёҳлар ҳам биз каби рўёлар оламида сайр қилаётгандек. Салкам беш аср илгари яратилган Микеланжелонинг “Занжирбанд қул”, “Мусо”, “Медичи Мадоннаси”, “Лоренцо де Медичи”, Боттичеллининг “Венеранинг дунёга келиши”, Рафаэлнинг “Конестабиле мадоннаси”, Альбрехт Дюрер “Мадонна”си... Сирларга йўғрилган суратларнинг беқиёс жозибасига мафтун бўлиб вақт ўтганини билмай қолибман.



Куни кеча ўзини Мерседес деб таништирган, санъат асарларини маҳлиё бўлиб кўздан кечираётганимни кузатиб турган таржимон қиз кулибгина: “Барибир, “Бойсун Мадоннаси” картинасининг ҳарорати бошқача?” деб қўйди. Шу номда санъат асари борлигини билмасамда, қизга сир бой бермай, жилмайибгина тасдиқладим. “Бойсун Мадоннаси” деган ном умримда бир марта бўлсин қулоғимга чалинганида, асло ёдимдан чиқмаган бўларди. Ўзбек тилида оврупоча талаффуз билан гапирса ҳам Мерседес шарқона ибо билан бурро, шоирона сўзларди.

Мерседесни гапга солдим. Аввал «Жаконда» (“Мона Лиза”)нинг асл нусхасини кўрган ё кўрмагани ҳақида суриштирдим. У «Жаконда»ни Парижнинг Лувр музейида кўрганини айтиб, бу машҳур санъат асари билан боғлиқ ажойиб ҳаётий воқеаларни ҳикоя қилиб берди. Ўқ ўтмас ойналар билан ўралган дурдона асарни кўриш умидидаги мухлислар оқими шу қадар кўпки, улар гоҳо сурат олдидан бир нигоҳ ташлаб ўтиб кетадилар. Кишилар оқими кўҳна диний маросимларни ёки муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилишга келганларни эслатади.

Мерседеснинг «Жаконда» ҳақида тўлқинланиб сўзлаганини мароқ билан эшитиб, меҳмонхонага етиб келганимизни ҳам илғамай қолибман. У мен билан жилмайиб хайрлашди. Ҳа, ҳа, Жаконданинг машҳур табассумини ўзлаштириб олгандек, ўшандай жилмайди. У кетган заҳоти нимадир ёдимдан кўтарилганини эсладим: ахир, мен у гўзал қиздан «Бойсун Мадоннаси» ҳақида сўрамоқчи эдим-ку, ана холос. Сабрсизлик билан ётоққа шошиламан. Интернетда Д.Эпштейннинг мақоласини ўқиб, “Бойсун Мадоннаси” ҳақида анча нарсани билиб олдим. Картина 1969 йили Ўзбекистон халқ рассоми Владимир Бурмакин томонидан чизилган экан. У юртимизда, шунингдек, чет элларда кўп марта турли кўргазмаларда намойиш этилган. Муаллифнинг айтишича, картина яратилишига таниқли рассом Рўзи Чориев сабабчи бўлган экан. Мусаввир Бойсун сафарларининг бирида Рўзи Чориевнинг яқин дўсти Рўзи деган одамникида меҳмон бўлади. “Бойсун Мадоннаси” ана шу одамнинг хотини, беш фарзандинг онаси эди. Унинг гўзаллиги Александр Македонскийнинг Роксанасидан кам бўлмаган. Муаллиф картинани “Бойсун Роксанаси” деб номлаган бўлсада, асар Европада “Бойсун Мадоннаси” номи билан шуҳрат қозонган.

Картина сюжети оддий: миллий либосдаги ёш аёл қўлида фарзанди билан тасвирланган. Орқада бир-бирига туташиб кетган қишлоқнинг оддий уйлари. Лекин аёлнинг ўйчан кўзларида шу қадар самимийлик, муҳаббат ва ажиб сир мавжудки, портретдан кўз узгингиз келмайди. Бойсунлик аёлнинг нигоҳидаги сирли маъноларни уққандек бўлдим. У самимий нигоҳи билан қандайдир муаммога ечим излаётгандек ҳолатда тасвирланган. Аёл нигоҳининг салмоғи ва вазмин ўйлари ғоят ўзига хос бадиий оҳор билан берилганидан беихтиёр суратга фикрдош бўлиб қолдим. Таъсирчан образ замирида қишлоқ аёлининг истироби ҳам мужассамдек бўлиб туюлди менга. Негаки, шўро даврининг авж палласида яратилган мазкур картинада мусаввир турмуш қийинчиликлари юки остида қолиб кетган, фарзандлари тарбиясига вақт ажратолмаётган қишлоқ аёлининг умумлашма қиёфасини тасвирлаган эди.

Мазкур асарга умрбоқийлик бахш этган сифатлардан яна бири юз ифодаси ва либосларининг теран халқчил томирларга эгалигида, деб билдим. Ўз фарзандини бағрига босган аёлнинг анъанавий кийими ва тақинчоқлари ўзида миллий хусусиятларни уйғунлаштирган. Узун ҳамда кенг, ўйма ёқали кўйлак бўйидан бир қарич узунликда кўкраккача кесилган, ингичка жияк тутилиб, боғич қилинган. Пушти рангдаги «қалампир маржон» тақинчоқлар унга зеб берган.

Аёлнинг ўйчан нигоҳида ўзбекнинг минг йиллик маданияти, туғма андишаси намоён. Андишали нигоҳ кўп тасвирланган. Лекин уни кўз олдингизга келтириб қўйиш ҳаммага ҳам насиб этмаган. Жилмаяётган тимсол тўғрисида ҳам кам битилмаган, бироқ оз кишиларгина қувончни моддийлаштиришга муваффақ бўлишган. Муаллиф ана шу қийиндан-қийин икки юмушни битта картинада уддалай олган. Ҳаттоки она бағридаги болакай нигоҳида ҳам онага дилдошлик ва дарддошлик акс этган.

Сурат муаллифиннинг сайтида шундай жумлалар бор: “Бойсун Мадоннаси” Ганноверда (Германия) халқаро кўргазмасида намойиш этилди. У Парижда уч марта намойиш этилган...”. Яна бир сайтда муаллиф номидан: “Дунёнинг ўнлаб мамлакатларида бўлганман, аммо “Бойсун Мадоннаси” дунёни менга қараганда кўпроқ айланиб чиқди. Ҳаётимдаги энг машҳур ана шу ишимни яратишга Рўзи сабабчи бўлган. Ҳозир ўзим ҳам бу асарни соғинсам кўргазмага боришимга тўғри келади. Ўшандаям кўргазма Тошкентда бўлса!”, — дейилган.

Интернет тизими орқали “Бойсун Мадоннаси” картинасини кўриб, у қадар кўп бўлмаган ахборотларни ўқиб, ҳайрат-ҳаяжонимни яширолмай қолдим. Чунки шу пайтгача ўзи яратган асарни ўзи соғиниб яшаган муаллиф ҳақида эшитмаган эканман.

Мерседес билан “Бойсун Мадоннаси” ҳақида гаплашмоқчи бўлиб, тонг ёришишини кутдим. Афсус, уни бошқа кўрмадим...

Хориж сафари поёнига етиб, Ватан тупроғига қадам қўяр эканман, “Бойсун Мадоннаси”нинг асл қаҳрамонини топиш ва у билан картинанинг яратилиш тарихи ҳақида сўзлашиш пайида бўлдим. Кўп одамлардан академик Рўзи Чориев билан бир вақтлар мехрибонлик уйида тарбияланган Рўзи ака ва “Бойсун Мадоннаси”нинг прототипи ҳақида сўроқладим, лекин тайинли гап ололмадим.

Анча вақт ўтгандан кейин, бир тонгда, нотинч кайфиятимни пайқаган ва ушбу сатрлар қораламасининг мазмуни билан танишишга улгурган падари бузрукворим бир жойга таъзияга бориб келишимизни айтдилар. Сўнг, “Ўғлим, сиз менга барвақтроқ айтмаган экансиз-да. Афсус, “Бойсун Мадоннаси” қаҳрамони маҳалладошимиз Рўзи аканинг аёли эди. Раҳматли бўлибди”, дедилар.

Жанозадан қайтгач, отамга Рўзи аканинг рафиқаси, Европани ҳайратга солган ўша “Бойсун Мадоннаси” бизнинг қишлоғимизда биз билан ёнма-ён яшаганидан одамларнинг бехабарлиги ҳақида афсус билан сўзладим. Бунга жавобан отам шундай дедилар:

— Ўғлим! Инсон тафаккури ўзгарди: одамлар осмонга, ерга, табиатга бошқача нуқтаи назар билан қарай бошлади. Анча нарса ўзгарди. Лекин бир нарса ўзгармади: ўзбек йигитининг аёли унинг тумори ва ори эканлиги ҳамон фазилат бўлиб қолди.

Баҳром УМАРОВ,
доцент

МУҲАББАТИМ СЕНГА, ОНА ВАТАНИМ!

Ватан ҳақида қўшиқлар кўп. Аммо ҳар бир инсоннинг ўз Ватанига аталган қўшиғи бўлакча. Бу қўшиқ юрагимизнинг туб-тубига яширинган, бу қўшиқ мустақилликдан масрур нигоҳларимизда мужассам. Зеро, Ватанга бўлган муҳаббат, юртга бўлган ошуфталик сизни элу юрт учун эзгу ишлар қилишга, фидойилик қўшиғини жўшиб куйлашга ундайди.

Муҳташам Ёшлар ижод саройи ҳар доимгидан ҳам гавжум, байрамона руҳда. Ранг-баранг шар ва гуллар билан безатилган сарой залига гуруҳ-гуруҳ бўлиб кириб келаётган йигит-қизларнинг кўтаринки кайфияти, қувноқ нигоҳлари, меҳмонлар кўзларидаги шукроналик бизни-да қувонтирди. “Муҳаббатим сенга, она Ватаним!” деб номланган байрам тадбири Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги ҳамда Халқаро ёшлар кунига бағишланиб, “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остида ўтказилди.

— Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ ёшларнинг билим олишлари, замонавий касб-ҳунарларни эгаллаши, ҳар томонлама етук шахс бўлиб камолга етишиши масаласи давлатимизнинг устувор мақсадларидан бирига айланган, — дейди байрам бошланишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова. — Президентимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, “Соғлом бола йили” дастури ёшларимизнинг, айниқса, қизларнинг истеъдодини юзага чиқаришда муҳим омил бўлмоқда. Бугун қайси соҳани олиб қарамайлик, хотин-қизларимизнинг ҳар жабҳада фаоллигини сезиш мумкин. Халқаро спорт мусобақаларида, фан олимпиадаларида ғолиб бўлиб юртимиз шаънини кўтараётган ёшлар бугун чин маънода бизнинг фахру ифтихоримизга айланган. Мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида намунали хулқи, ташаббускорлиги, оқилалиги, ўқиш ва спортдаги муваффақиятлари билан бошқаларга ўрнак бўлиб келаётган иқтидорли қизлар, таълим, адабиёт, маданият, санъат ва спорт йўналишларида ушбу нуфузли мукофот билан тақдирланиб келинаётгани юртимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалдаги намунасидир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Хотин-қизлари қўмитаси, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси ҳамкорлигида уюштирилган мазкур байрам тадбирида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳам фаол иштирок этишди.

Ана адрасу атласларда, бошига ироқи дўппи ярашган Зулфияхоним қизлари саҳнага бирин-кетин кириб келишмоқда. Уларнинг Ватан ҳақидаги шеър ва қўшиқларни турли тилларда ижро этгани қалбингизни фахр-ифтихорга тўлдиради. Ҳар бири билан эришган ютуқлари ҳақида гаплашгингиз, келажакдаги режалари билан ўртоқлашгингиз келади. Саҳнага чиқаётган Ўзбекистон Президенти давлат стипендияси совриндорлари, таълим, маданият ва спорт соҳаларида улкан ютуқларга эришган истеъдодли йигит-қизларни, таълим масканларидаги “Ораста қизлар” тўгараклари фаоллари, талаба-ёшлари кўриб, беихтиёр сизнинг фарзандингизни ҳам ана шундай нурли келажак кутаётганини ўйлайсиз ва кўнглингиз равшан тортади.

— Етти ёшимдан бери спортнинг таэквондо тури билан шуғулланаман, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори сирдарёлик Дилбархон Холжигитова. — Спорт тўгаракларига дадам қўлимдан етаклаб борганида доимо: “Она қизим, спорт соғлигинг учун фойдали, спортга қанчалик ошно бўлсанг, шунчалик соғлом бўласан, чиниқасан, ҳаётнинг ҳар қандай синовларига бардош бера оласан. Қолаверса, спорт сени ҳар қандай вазиятда фақат олға интилишга, ютуқларга эришишга ундайди,” дея таъкидларди. Мен бу гапларнинг мағзини ўша пайтларда чақмаган бўлсам-да, айни пайтда исботини кўриб турибман. Мана шу нуфузли мукофотга совриндор бўлишимда ҳам спортнинг ўрни беқиёс.

Айниқса, спортнинг бадиий гимнастика тури қизларнинг ўзига бўлган ишончини орттиради, — дея сухбатимизга қўшилади яна бир Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бухоролик Сарвина Холиқова. — Мен юртимизда соғлом, нафосатли ҳамда ўзига ишонган қизлар сони кўпайишини жуда хоҳлайман. Шу боис шаҳримиздаги 35-мактаб қошида бадиий гимнастика бўйича тўгарак ташкил этиб, 100 нафардан ортиқ қизлар билан машғулот олиб бораяпман.

Бу йил имтиёзли тарзда Бухоро давлат университетининг жисмоний тарбия ва спорт факултети талабаси бўлиш бахтига муяссар бўлган Сарвина Холиқова ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига имтиёзли тарзда қабул қилинган Дилбархон Холжигитова каби қизлар орамизда жуда кўпчиликни ташкил қилади. Уларнинг эришган, эришаётган ютуқлари замирида шак-шубҳасиз давлатимиз раҳбарининг эътибор ва ғамхўрлиги мужассам.

Мен келажакдаги орзулари билан ўртоқлашаётган, олдига қўйган мақсадлари сари дадил интилувчи бу қизларга омад тилаб узоқлашганча, анжуман доирасида ўтказилаётган “Ҳаётим безаги, жонажон спорт!” мавзуидаги кўргазмага ошиқаман. Бу ерда спорт йўналишида совриндор бўлган қизларнинг эришган ютуқлари кўргазмаси намойиш этилмоқда.

Ана Дилбарнинг шода медаллари. Ҳатто чет элларда ҳам ғолибликни қўлга киритган Дилбарнинг медаллари ва дипломларини кўздан кечирарканман, унинг нафақат яхши спортчи, балки чет тилларини ҳам яхши билишидан қувондим. Илгари чет эллардаги халқаро мусобақаларни кузатиб, хорижлик ёшларнинг бир неча тилларни билишига ҳавасим келарди. Мана энди ўзимизнинг ёшлар улардан ўзса ўзадики, асло қолишмайди.

— Ҳар қандай спортчи, албатта, бир неча тилни билиши шарт. Чунки тил билиш мусобақаларда қатнашиш жараёнида борган мамлакатининг тарихини, урф-одатини яхши билиши, янги ўртоқлар орттириши, дунёқарашининг кенгайиши, ҳатто интеллектуал салоҳиятининг ортиб боришига ёрдам беради, — дейди Дилбар ифтихор билан.

Менинг бу қизларга ҳавасим келди. Улар истиқлол фарзандларидир. Бизнинг она Ватанимизда орзу қилишга, орзулар ушалишига етарли имконият ва ишонч бор. Бундай ишончга, кўрсатилаётган эътибору ғамхўрликка муносиб бўлиш, Ватанимизни кўз қорачиғидай асраш бизнинг муқаддас бурчимиз.

Ватан ҳақида қўшиқлар жуда кўп. Аммо ҳар бир одамнинг Ватанига аталган мангу қўшиғи бўлади. Бу қўшиқнинг номи фидойилик, садоқат ва муҳаббатдир.

Барно СУЛТОНОВА

ЖОНАЖОН ЎЛКА МАНЗАРАЛАРИ

Тақдимот

Навоий шаҳрида Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий ижодкорлар уюшмасининг галереяси очилди. Шу муносабат билан “Соғлом бола йили”га бағишланган “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?” деб номланган тасвирий санъат асарлари кўргазмасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят, шаҳар ҳокимлиги вакиллари, ижодкор ёшлар иштирок этди. Шунингдек, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси, таниқли рассом Акмал Нур бошчилигида бир гуруҳ рассом ва ҳайкалтарошлар қатнашди.

Санъат галереяси шаҳарнинг миллий дам олиш ва истироҳат боғида жойлашган. Шу куни “Баркамол авлод” болалар ижодиёти маркази қошида ташкил этилган расм ва ҳунармандчилик тўгаракларини қатнашчиларининг асарлари кўргазмалари ҳам намойиш этилди.

Тадбир қатнашчиларини Навоий вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов қутлади. Акмал Нуриддинов Навоий вилоятида биринчи бўлиб Бадиий ижодкорлар уюшмасининг ҳудудий бўлимига алоҳида бино берилганини таъкидлаб ўтди. “Биз дунёга чиқаётган, дунё тан олаётган халқмиз, — деди у ўз сўзида. — Шунинг учун ота-боболаримиздан қолган удумларимиз, улардан мерос бўлиб келаётган маънавиятимиз, маданиятимизнинг замонавий ифодасини кўрсата билишимиз керак”.

Вернисажда Бадиий академия академиклари, мўйқалам усталари, ҳайкалтарошларнинг 30дан ортиқ асарлари намойиш этилди. Улар орасида Алишер Мирзаев, Жавлон Умарбеков, Акмал Нур, Йигитали Турсунназаров, Собир Рахметов, Виктория Трошина, Анвар Мамажонов каби кўплаб таниқли рассомларнинг ишлари бор. Реализмдан то авангард услубигача ишланган турли мавзудаги асарларда жонажон ўлкамизнинг манзаралари акс этган. Натюрмортлар, жанрли композициялардан иборат ишлар ҳам мухлислар диққатини тортмоқда.

Ушбу кўргазма унча катта бўлмаса-да, унда Ўзбекистон тасвирий санъатидаги энг янги йўналишлар ўз аксини топган.

Шу куни машҳур мўйқалам усталари шаҳар аҳли ва томошабинлар учун маҳорат дарсларини намойиш этишди. Унда яратилган санъат асарлари янги галереяга эсдалик совғаси сифатида топширилди.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон ва жаҳон маданияти

Халқаро эътироф

“Ўзбеккино” миллий агентлиги буюртмасига кўра суратга олинган “Тоға” бадиий филми Иркутскда ўтказилган “Оила даврасида” IX халқаро театр ва кино фестивалида Гран-прига сазовор бўлди. Филмда бош ролни ижро этган Бобур Йўлдошев энг яхши актёрлик иши номинациясида ғолиб деб топилди.

АҚШ, Хитой, Сербия, Голландия, Сингапур каби мамлакатларнинг ижодкорлари иштирок этган нуфузли анжуманда режиссёр Рашид Маликовнинг дебют филми эътироф қозонгани тасодиф эмас. Танлов ҳайъатининг фикрича, “Тоға” филми “Оила даврасида” халқаро фестивали талабларига тўла жавоб бериши билан бирга қизиқарли сюжетга ва чуқур тарбиявий аҳамиятга эга.



Қуриё наволари

Пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида корейс қўшиқлари танлови ўтказилди. Бу йил учинчи маротаба ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимизнинг истеъдодли ёшлари замонавий эстраданинг “K-POP” (корейс “pop” мусиқаси) йўналишида ўз маҳоратларини синовдан ўтказди. Танлов якунларига кўра иқтидорли хонанда Лолита Вагапова Гран-прига сазовор бўлди. Ёш хонанда шу йил октябр ойида Корея Республикасида бўлиб ўтадиган “K-POP World Festival” халқаро танловида иштирок этиш имкониятини қўлга киритди.

Таъкидлаш жоизки, ўзбекистонлик ёшлар ўтган йили ҳам “K-POP World Festival” халқаро танловида қатнашишган. Мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган “Аловуддин” гуруҳи ижрочилари фестивал ғолиби бўлганди. Л.Вагапова ҳам совринли ўринлардан бирини қўлга киритиб, кореялик мухлислар олқишига сазовор бўлади, деб умид қиламиз.

Ипак ранглар жилоси

XX аср бошларида мамлакатимизда янги рангтасвир мактабига асос солган истеъдодли мусаввирлардан бири, бетакрор авангард устаси Александр Волков ижоди ҳамон санъат ихлосмандларини ҳайратга солишда давом этмоқда. Ўзбек халқининг ҳаёти, унинг урф-одатию анъаналари ўз аксини топган рассом картиналари дунёнинг машҳур галереяларидан ўрин олган. Савитский номидаги Қорақалпоғистон санъат музейида машҳур мусаввирнинг юздан ошиқ асарлари сақланаётир. Яқинда музей маъмурияти А.Волков асарлари асосида йирик кўргазма ташкил этилаётганини маълум қилди.

“Ипак ранглар жилоси” деб номланадиган ушбу кўргазмада рассомнинг саксонга яқин рангтасвир ва графика асарлари намойиш этилади. Унда томошабинлар мусаввирнинг турли даврларда яратилган асарлари билан танишиши мумкин. Айниқса, рассомнинг ўтган асрнинг 20-30 йиллардаги кубо-футуристик йўналишдаги изланишлари мухлисларни бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Кўргазмада хорижлик мутахассислар билан ҳамкорликда қайта таъмирланган йигирмага яқин асарлар ҳам намойиш қилинади.

Британ-ўзбек ҳамкорлиги



Ўзбекистоннинг Лондондаги элчихонасида Британ-ўзбек жамияти билан ҳамкорликда маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Қироллик парламенти ҳамда Кембриж Марказий Осиё форуми вакиллари, мутахассис ва ишбилармонлар иштирок этган тадбирда йиғилганлар мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотлар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди. Хусусан, тадбир иштирокчиларига истиқлолнинг йигирма уч йиллигини нишонлаш юзасидан олиб борилаётган тайёргарлик, “Соғлом бола йили” давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар борасида батафсил маълумот берилди.

Тадбир давомида мамлакатимиз тарихий-маданий мероси, туристик салоҳияти акс этган кўргазмали қўлланма ва рисолалар, шунингдек, “Welcome to Uzbekistan, Pearls of Uzbekistan и Sharq Taronalari” ҳужжатли филми ҳам намойиш этилди.

Грей хоним орзулари

Вашингтондаги Ж.Кеннеди номидаги ижро санъатлари марказида “Ўзбекистон рақслари” концерт дастури бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси ҳамда “Silk Road Dance Company” гуруҳи ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ўзбек мумтоз рақслари хорижлик санъаткорлар томонидан ижро этилди. Мухлислар “Дилхирож”, “Гулдаста”, “Пилла”, “Самарқанд ушшоғи”, “Келинг, гуллар”, “Катта ўйин” каби бетакрор рақслардан баҳраманд бўлишди.

Кечага бошловчилик қилган “Silk Road Dance Company” гуруҳининг бадиий етакчиси Лора Грей ҳар бир чиқишдан сўнг тақдим этилган рақс томошасининг тарихи, ижро хусусиятлари ҳақида йиғилганларга маълумот бериб борди. Барча рақслар миллий либосларимизда ижро этилгани томошабинлар ҳайратини янада оширди. Тадбир давомида Грей хоним юртимизга ташриф буюриб, ўзбек миллий рақсларини янада чуқурроқ ўрганиш орзусида эканини маълум қилди.

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Азиз ватандошларимизни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этади!
2014 йил тарихда Ватанимиз учун улуғ ўзгаришлар, яратувчанлик ва бунёдкорлик йили бўлиб қолишига ишончимиз комил.

«SHARQ» — ўз анъаналарига содиқлик, юксак технология, замонавий услуб!
Барча турдаги ноширлик ҳамда матбаа хизматларини таклиф этамиз.



Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 233-04-04; 233-90-50.
Факс: (+99871) 239-43-17, 233-35-90 Web: www.sharq.uz. E-mail: info@sharq.uz
Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

Китоб миллатнинг ақл кўзини ёритувчи офтобдир!

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллиги байрами билан самимий қутлайди.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!



Сизга тақдим этилаётган ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналаридан баҳраманд бўлинг. Хонадонингизни илм ва маърифат зиёси ҳеч қачон тарк этмасин.







Мурожаат учун манзил: 100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86. Телефонлар: (+ 99871) 241-83-29, 241-35-47. Моб.: (+99895) 144-41-82. Web-сайтимиз: www.gglit.uz E-mail: info@gglit.uz
Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

Анвар ОБИДЖОН, Ўзбекистон халқ шоири

ЭНГ ЗЎР КИТОБ



ЯХШИ ЧОЛ

Тумов бўлса Тилов бобо,
Ҳамма бола қилар дуо:
— Тилов ота, ўлмай юринг,
Энди касал бўлмай юринг.
Ёзда яна тарвуз экинг,
Чеккасига чайла тикинг.
Тўнингизни тўшаб ётинг,
Ухлаганга ўхшаб ётинг.
Ҳеч қараманг чуғурласак,
Битта тарвуз ўғирласак.

СЕН УЙҒОҚ ЭДИНГ...

Сал ухлабман...
Сал бурун —
Турганди-ку
Бус-бутун.

Қани ўша
Бўғирсоқ?
Еб қўйдингми,
Қўғирчоқ?!

БОТИРВОЙНИНГ ҲИКОЯСИ

Тонгда тўсатдан
Бошланди бўрон.
Ҳуштагин чалиб,
Қилди тўпалон.

Дала-боғларга
Ўзини отди.
Толларни зўрлаб
Рақсга тортди.

Қариликни ҳеч
Олмай бўйинга,
Кекса чинор ҳам
Тушди ўйинга.
Ўйнар тераклар
Бир-бирин ушлаб.
Ўйнар япроқлар
Йўлда ирғишлаб...

Тушликка яқин
Тўпалон тинди.
Кимки уйнашни —
Билмаса...
Синди!

ЎРТОҚЧИЛИКНИНГ ЧЕГАРАСИ

Ёнғоқ узай
Чўнгшотида.
Норга берай
Беш-олтита.

Бергин деса
Ҳаммасини,
Сўраб қўйсин
Аммасини!

Болалар бекати

ҚИЗ ЙЎҚ ОИЛА

Ҳаво жудаям дам бўлди,
Сояда болалар жам бўлди.
Айрон қилиб беришга,
Битта қизалоқ кам бўлди.

БАЙРАМ — БОЛАНИКИ

Бир қўлимда
Хўрозқанд.
Бир қўлимда гилосқанд.

Палов пишар
Жиззада...
Байрам бўлса,
Масза-да!

ЕМ ҚОРДИК

Жомда ивитдик,
Қара:
Кепак, сомон,
Кунжара.

Бузоқчамнинг
Салати-
Жуда-жуда
Ғалати.

ДЎМБОҚЧАЛАР ДУНЁСИ

Ёздим кичкинтойларга
Не-не шеъру қиссалар.
Менга бахтдир,
Фарзандлар
Оқил бўлиб ўссалар.

Одатлари ғаройиб,
Зап қизиқдир сўзлари.
Аслида,
Энг зўр китоб —
Болаларнинг ўзлари.

Анвар ОБИДЖОН *1947 йилда туғилган. ЎзМУнинг журналистика факултетини битирган. “Балога қолган футболчи”, “Ўқ ўтмас болакай ёхуд олтин юрак”, “Мушукбиби миёвлади”, “Митти бароқ — берар сабоқ” “Жажжи-жажжи кулчалар”, “Онамнинг мамлакати” сингари назмий ва насрий китоблар муаллифи.*

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда иқтидорли ижодкор ёшлар — шоир ва ёзувчилар, рассом ҳамда дизайн усталарини аниқлаш, уларнинг истеъдодларини рўёбга чиқариш ва рағбатлантириш мақсадида “Ўзбекистон — ягона Ватан!” танловини ўтказади.

Танлов:
— шеърият
— наср
— рассомлик ва дизайн йўналишларида ўтказилади.

“Ўзбекистон — ягона Ватан!” танловида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган китоби чоп этилмаган иқтидорли ёшлар иштирок этишлари мумкин.

Танлов ғолибларининг асарлари Ташкилий қўмита қарорига асосан етакчи нашриётларнинг 2014-2015 йилги режаларига киритилади ва ҳомийлик асосида нашр этилади.

“Ўзбекистон — ягона Ватан!” танловига тақдим этиладиган ижодий ишлар Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига 2014 йилнинг 15 августидан 15 сентябригача қоғоз ва электрон кўринишда юборилиши лозим.

Манзил: Тошкент-100129, Навоий кўчаси, 30-уй.
Мурожаат учун телефон: (8-371) 244-32-33, 244-12-61

ИСТИҚЛОЛ МУШОИРАСИ

Азиз ва муқаддас Ватанимизнинг барча фуқаролари қатори биз билан ёнма-ён яшаб, ҳамнафас меҳнат қилаётган қозоқ миллатига мансуб элдошларимиз ҳам мустақиллик байрамини барча юртдошлар билан бирга тантана қилишга ҳозирланмоқда. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда яшаб, турли тилда ижод қилаётган ижодкорларнинг асарлари, шеър ва қўшиқларининг бош мавзуси шундай — “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!”.



Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Халқаро адабий алоқалар ва бадиий таржима ҳамда Қозоқ адабиёти кенгашлари ҳамкорлигида қозоқ тилида ижод қилаётган 60 нафарга яқин шоир ва ёзувчининг шеърлари ва ҳикоялари жамланган “Нурафшон ўлка илҳомлари” номли китоби “Адиб” нашриётида босмадан чиқди. Китоб Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган.

Тўплам таниқли адиб Носир Фозиловнинг “Бирдамлик бор жойда барака бор” сарлавҳали сўзбошиси билан очилади. Қозоқ ижодкорларининг асарлари жамланган бундай тўплам мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда илк бор нашр этилмоқда.

Эргаш Абдувалитов, Дилшат Айтбоев каби олимларнинг мазкур тўпламга асарлари кирган ижодкорлар ҳақидаги мақоласи ҳам китоб мундарижасидан ўрин олган. Тўпламга Маҳкамбой Умар ўғли ва Қатира Нурбоева муҳаррирлик қилган.

Рустам МУСУРМОН

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театри фахрийси Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти
Куйатбай АБДРЕЙМОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбеккино» миллий агентлиги, Ўзбекистон Киноарбоблари бирлашмаси таниқли театр ва кино актёри, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти
Куйатбай АБДРЕЙМОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 233-49-93 info@uzas.uz, uzas@mcs.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир Сирожиддин САЙИИД

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.38

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4741 Буюртма Г — 858. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2181-614X